

Анвар Жўрабоев

# Шаклифнома



Ҳикоялар

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
1987

Д  $\frac{4702570200-81}{356 (04)-87}$  81—87

© Издательство «Еш гвардия», 1987

## АЙИҚ ЕҒИ

Азим мис жеваклари ой ёруғида ялтираб турган каттакон дарвоза олдида каловлиниб тўхтади. Оқ, ясси тунукага қора рангда битилган «16» рақамига кўзи тушиши биланоқ, Раҳмоновнинг: «Мана шу ўн олтинчи уй бизники», деб тиржайганини тасаввурига келтирдию, бирдан вужуди ларзонга тушиб, қўллари мўматалоқ бўлаётганига ҳам парво қилмай, дарвозани жон талвасасида тасир-тусур муштлади.

Ҳовлидаги ит занжирини шарақлатиб безовта ҳура бошлади. Дарвоза ортидаги лампочка чиқ этиб ёнди. Сўнгра тапир-тупур оёқ товушлари эшитилди.

— Ким у?— эшикни очмасдан сўради эркак киши.

— Мен, оч!— бақирди Азим.

Дарвоза биқинидаги пастак эшикча тарақлаб очилиб, ранги қув ўчган Раҳмонов билан бирга чайир, заҳил ранг одам отилиб чиқди.

— Қани, туёғингни шиқиллат!— пишқирди Раҳмонов.

— Нима ҳақинг бор онамни сўкишга? Нима?!— Азим бир силтаниб Раҳмоновга ташланди. Аммо унинг шериги туширган оғир зарбадан анча жойга учиб, чархпалак бўлиб қулаб тушди.

Шериги туришга уринаётган Азимни тепишга шайланаётганида: «Ие, қўйинг, қўйинг, ўлиб-пўлиб ўтирса балога қолмайлик яна» деб, Раҳмонов қўймади.

— Ийғини қўлига бериш керак эди, бунақаларни! Ушанда ўпкаси бунчалик шийшмайди. Бекор сазамни қайтаряпсиз!— хўрозланди заҳил ранг одам.

— Эчкининг ажали етса, қассоб билан ўйнашаркан. Эртага ҳақини олади мендан. Бизда ишлайди. Пачакилашмайлик, илтимос,— дея Раҳмонов шеригининг елкасидан ушлаб, уйга бошлади. Киришгач, эшикни маҳкам тамбалади.

Азим туртиниб-суртиниб базўр ўрнидан турди-да,

яна дарвозага ҳамла қилди. Ҳеч ким жавоб қилмади. Фақат ит безовта ҳурди...

Азим кейин нима бўлганини, ётоғига қандай етиб келганини билмайди. Уйғонганида кун қиёмга келганди. Боши ғувиллар, чаққа томирлари ёрилгудек зирқирарди. Томоғи қуруқшаб қолган, гўёки ичида олов ёнарди. Каравот пружинасини ғичирлатиб ўрнидан беҳол кўзгалди. Деразани ланг очгач, каравот суянчиғидан трикосини олиб кийди-да, ювиниш хонасига борди. Кўзгудаги аксини кўриб чўчиб тушди: сочлари ҳурпайган, кўзлари чуқур тушган, юзлари салқиганди. Жўмракни бураб, шариллаб оқа бошлаган сувга оғзини тутиб, апир-шапир ичди. Дастлаб ёқимли туюлган сув ошқозонига етгач, кўнглини зардобдек айнитди...

Абгор бир ҳолда хонасига қайтиб келиб худди бир қоп тош ортилгандай оғирлашган танасини каравотга ташлади. «Бекор ичибман... Халилнинг олдида қандай одам бўлдим энди...» ўз-ўзини койий кетди у кечаги хатти-ҳаракатларидан уялиб.

\* \* \*

Қурилиш техникумининг кечки бўлимига қабул қилинган Азим дастлаб ремонт бошқармасига ишга киришни мўлжаллаганди, лекин курсдошларидан бири: «Яхшиси тўққизинчи ПМКга кириш, шаронти анча дуруст», деб маслаҳат солгач, ўша ерга борди.

ПМК бошлиғи — пешонасига бир-икки ажин югурган, сарғишдан келган Зиёдов уни самимий қаршилади. Армияда қурилиш батальонида хизмат қилгани — ғишт терувчи бўлиб ишлаганини эшитиб, жилмайди.

— Сиздақа мутахассислар бизга жуда керак. Ҳужжатларингизни...— Шу пайт телефон жириглади.

— Э, сен ўзингни ўйласанг-чи,— деди у трубкани андак тутиб тургач.— Яхши. Ҳа, уларга ҳам беришди. Айиқ ёғими? Нимага энди? Суриштирдим. Нима қилай ахир? Нима қилай?— Чуқур уф тортди у.— Яна

суриштириб кўраман. Ким билади, топилиб қолар...

«Айиқ ёғи зарур экан, кимидир оғир касал бўлса керак», ўйлади Азим.

— Хужжатларингизни,— трубкани жойига қўй-  
гач, давом этди Зиёдов,— кадрлар бўлимига олиб бо-  
ринг. Коридордан ўнг томондаги учинчи эшик. Зиё-  
дов юборди дейсиз. Сизни Каримовнинг бригадасига  
олишади. Хўп бўлмаса,— ўрнидан қўзғалди у.

Азим чиқаётиб: «Кечирасиз, айиқ ёғи қидиряпси-  
ми?» деб сўради хижолат бўлиб Зиёдовдан.

— Нима эди?— Зиёдовнинг кўзлари худди айиқ  
ёғи ҳозир топилгандай хурсанд чарақлаб кетди.

— Қишлоғимизда топилади. Опкеб беришим мумкин.

— Қани эди! Зиёдов йигитнинг бегопалигини ҳам  
унутиб қўйиб шошиб гапирди.— Келинойингизнинг ан-  
чадан буён мазаси йўқ. Уша фойда беради дейиш-  
япти...

Ишга жойлашгач бир ҳафтадан сўнг, Азим Зиёдов-  
нинг кабинетига бир шиша айиқ ёғи кўтариб кирди.  
Кабинетда Зиёдов билан бирга тепа сочи тўкилган,  
бақалоқ одам ўтирарди. Зиёдов ёғни олгач, Азимга  
ташаккур билдириб, пул узатди, аммо ҳарчанд уринма-  
син, Азим олмади.

— Қизиқ экансиз, Карим Самадович,— юзланди ун-  
га бақалоқ,— шу арзимаган нарсага шунчами? Ҳа,  
биз ҳам вақти кеп ҳожатини чиқарармиз бу боланинг.  
Адашмасам, ўзимизда ишлайди-я? Бақалоқнинг гап-  
лари Азимга айлдай ботди. «Мунча совуқ одам бўл-  
маса», хаёлидан ўтказди у.

— Ҳа, танишинглар,— деб қолди Зиёдов,— ўртоқ  
Раҳмонов, бош инжеперимиз. Бу йигит эса. Азим-а,  
исмингиз? Яқинда кирган бизга, Каримовда фишт те-  
рувчи бўлиб ишлайди.

— Бўлмаса, мен борай, — тараддудланди Азим.  
Зиёдов уни эшиккача кузатди. Қайта-қайта миннатдор-  
чилик билдирди.

Азим биринчи маошидан харажати учун тегншлисни ажратиб, қолганини омонат кассага қўйди. Баҳорда онасининг вафотига беш йил тўларди, унинг қабрига мрамартош ўрнатишни кўнглига тукканди.

Иш-у, ўқиш билан қоришиб қолган Азим аввал баҳор келганини ҳам сезмай қолди. У бригадирдан жавоб сўраб, ёдгорлик тошлари тайёрлайдиган устахонага учраб, буюртма берди. Буюртма шу яқин ўртада тайёр бўлиши керак, лекин жамғармасини ҳисоблаб кўрса, пича етмасди. «Айтгандай, эрта-индинг мукофот чиқади-ку!» суюниб кетди у.

Аммо мукофот чиқмади. Аниқроғи Зиёдов унинг белига тепди. У ҳе йўқ, бе йўқ, участкаларида мажлис ўтказиб, қилинган ишлар кўпиртириб ёзилибди деб, чунонам заҳрини сочдики, прораблару, бош инженерни ҳам аяб ўтирмади. «Нега кўзбўямачилик билан шуғулланияпсизлар?» деб роса беобрў қилди.

— Мажбурмиз-да, Карим Самадович,— деди Раҳмонов қизариб-бўзариб.— Бир томони план оғир. Иккинчидан — кадрлар масаласи чатоқ. Биласиз-ку, ҳозир малакали қурувчилар етишмайди. Мана, ўтган ой, дуппа-дуруст ишлаётган икки сувоқчимиз: «Маош камийиб кетяпти», деб бошқа ПМКга ўтиб кетди...

— Қўйинг бунақанги демагогиянги, ўртоқ Раҳмонов,— чўрт кесди уни Зиёдов.— Агар тагин шундай ҳол такрорланса, ўзингиздан кўринг!

«Қизиқ, чигали бор экан, нега олдинроқ ҳал қилишмабди шуни. Нима қилишарди элдан бурун «Мукофот оласизлар!» деб ногора чалишиб, хит бўлди умиди пучга чиққан Азим.

Энди нима қилди? Бригадирдан қарз сўраса-чи?

— Ортиқча пул қаерда дейсан? Мен ҳам кўзим тўрт бўп мукофотни пойловдим. Шу зиқна Зиёдов келгандан бери биримиз икки бўлмай қолди,— ҳасратидан чанг чиқди Каримовнинг. Сўнг эса: «Тўхтаб тур-чи,

мен, ҳозир», деб негадир прорабхонага йўл олди. Зум ўтмай Азимни чақирди.

Прорабхонада Раҳмонов алланималарни ёзиб ўтирарди. «Демак, шундан обермоқчи бўлибди-да. Буниси Каримовдан ҳам баттар бўлса керак! Ўзини тароздан олиб тарозга солар», ўйлади Азим Раҳмоновнинг ҳув ўшанда, Зиёдовнинг кабинетида айтган гаплари эсига тушиб.

Раҳмонов эса, ҳеч бир кутилмаганда, мулоғим та-бассум қилиб ўрнидан турди-да, Азимни худди эски қадрдонидек қарши олди.

— Ҳойнаҳой, импорт магнитофон олмоқчисиз-а! Эҳ, ҳозирги ёшлар...— деди у ўша майин оҳангда.

— Йўғ-е. Онамнинг қабрига тош буюргандим. Ушанга...

— Ие, кечирасиз мени, кечирасиз. Манави ишингиз бошқа! Яшанг, яшанг, ука. Қанча етмаябди? Ҳозир зарурми?

— Индин тайёр бўлиши керак. Мукофотдан умид қилувдим денг,— бошини қуйи солди Азим.

— Зиёдовга кунимиз қолса, ҳаммамиз ҳам кафангадо бўламиз, шекилли. Аммо-лекин жудаям зўр йигит экансиз. Ҳозир одамлар опасининг қадрига тириклигида етишмайдию. Минг офарин сизга! Қанча етмай турибди?— қайта сўради у.— Аҳа, мана!— Раҳмонов чўнтагидан пул чиқариб санади-да, кераклигини Азимга узатди.

— Бу яхшилигингизни ҳеч ҳам унутмайман,— деди Азим энтикиб.

— Жуда ажойиб одам бу Раҳмонов,— деди эшикка чиқишгач, бригадир.

— Ана шунақаларни бошлиқ қилиш керак, аслида. Давлатниям хафа қилмайди, ишчиларданам саховатини аямайди.

«Ҳақиқатда ҳам яхши одам экан, мен эса...» уялиб кетди Азим Раҳмонов ҳақидаги илк тасаввурини эслаб.

Азим автобус бекати томон бораётганида, нариги ёқдан келаётган оқ «Москвич» тўсатдан тўхтади. Машина эгаси ойнаси туширилган кабинадан қўлини силтаб, Азимни чақирди. Қараса — Раҳмонов. «Қани, чиқинг», деди саломлашганларидан сўнг.

— Хўш, энди, йўл бўлсин Азимжон?— сўради Раҳмонов Азим машинага жойлашиб, эшикни ёпгач.

— Дарсдан чиқувдим. Ётоққа бораётувдим.

— Офарин-ей, сизга. Ҳали ўқийман ҳам денг! Қаерда?.. Зўр-зўр! Қайси томонда ётоқларинг? Уни қаранг-а, деярли қўшни эканмиз-у! Биз ҳам ўша томонда турамиз-да, деди у газни босгач.— Айтгандай, тошни ўрнатдингларми?

— Ҳа. Уша куни ҳаво ёмон эди, ёмғир ёғади деб чўчиб турувдик, йўқ, ёғмади.

— Яхши ишни табиат ҳам қўллаб-қувватлайди-ку. Қани энди ҳамма фарзандлар ҳам оналари руҳини сизу биздай шод қилолса! Мана, мен ҳам бурноғи йили онамнинг қабрига нақ иккита «Жигули» берадиган пулга ажойиб бир ёдгорлик қўйдирдим. Ҳе, йўқса шилқиллаб шу «Москвич»да юрардимми? Бемалол «ГАЗ-24» олишим мумкин эди. Яқингачаям ёмон эмасдим-у, шу ватанпарвар Зиёдов қай гўрдан чиқдию... Ҳа, майли, кўрамиз қаёққача бораркан у.

— Қарзимни вақтида беролмадим. Ойлик олдим — узаман, — деди Азим ўзини ноқулаё сезиб.

— Вой сиз-ей, вой сиз-ей!— ҳиҳ-ҳиҳлаб кулди Раҳмонов.— Топган гапингизни қаранг-у! Ҳе, пулми ўшайам, чивин чаққандай гап мен учун. Иннайкейин, нима, мен сиздан қистабманми? Иккинчи бу ҳақда оғиз очакўрманг одамни уялтириб.

— Энди ука, бундай қилсак,— деди у чорраҳага етишгач. — Уйга борамиз. Сиз, мана, ўқишдан чиқиб-сиз. Мен бўлсам мажлисдан келяпман. Резинкадай чў-



зишди-ей, ўзиниям. Бошларим гаранг бўлиб кетди. Утириб бир кўнгилни чоғлаб олсак. Нима дедингиз? Юзта-юзтаям отардик.

— Мен, мен ётоққа боришим керак эди... Ундан кейин мен умуман ичмайман.

— Баъзида, ука, «юз-юз» отиб туриш фойдали. Лекин ичмаслик бу жуда яхши одат. Сизга айтсам, менинг ҳам бир яхши одатим бор — бировларни мажбурлаб ичирмайман. Шу денг, бир куни маст бўлиб олиб, бир дўстимни қўярда-қўймай роса ичирибман. У ўша холича машинасини ҳайдаб, авария килса бўладими. Яхшиямки, ўзига ҳеч нарса қилмади. Шу-шу ҳеч кимга «Ич! Ол!» демайдиган бўлдим...

— Мана шу ўн олтинчи уй бизники бўлади,— илжайди Раҳмонов мис жеваклар қоқилган дарвозани кўрсатиб.— Қани, марҳамат.

Лекин Азим кўнмади.

— Раҳмат ака, бормасам ҳеч иложим йўқ. Келаверамиз ҳали,— деди у.— Мен шу яқин ўртада тушиб қолсам. Ётоғимиз нариги кўчада.

Аммо Раҳмонов уни туширгани қўймади, ётоқхонасигача машинасида олиб борди.

«Дунёда яхши одамлар кўп», ўйларди Азим хонасига кўтарилаётиб Раҳмонов ҳақида.

\* \* \*

Бир ҳафтадан сўнг Раҳмонов бригадир орқали Азимни истироҳат боғидаги чойхонага — ошга айттирди. Утиришда ичкилик ҳам бўлди: арақ нуқул чойнакларда тортилди. Азимни ҳар томондан; «Йигит кишига эллик грамм жин ҳам урмайди», деб қистовга олишди. Лекин Раҳмонов: «Қўйинглар, ичмайди у», деб жонига ора кириб турди.

Чойхонадан чиқишгач, Раҳмонов шериклари билан хайрлашди-ю, «бирпас шабадалашайлик», деб Азимни

каттакон чинор остидаги оёқлари тарвайган скамейкага бошлади. У анча щиракайф бўлиб қолганди.

— Қалай, зерикмадингизми, Азимжон?— сўради ўтиришгач.

— Йўғ-е. Аксинча яхши ўтирдик.

— Очигини айтсам,— унинг елкасига қўлини ташлади Раҳмонов,— сиз менга ёқиб қолдингиз, худди ўз укамдек.

— Сиз ҳам,— деди самимийлик билан Азим, қувончини яширолмай,

— Икковимизни нима яқинлаштирганини биласизми? Онага бўлган буюк ҳурмат...— Кейин Раҳмонов Азим ҳақида бир талай яхши гаплар айтди. Азим унинг сўзларидан ийар, юрагида Раҳмоновга нисбатан пайдо бўла бошлаган меҳр туйғусини тобора ошкор қилишни истарди.

— Унингчини битиргансиз-а?— тўсатдан савол берди Раҳмонов.

— Ҳа, кейин қишлоқда икки йилча ишлаб армияга бордим. Кейин техникумга кирдим.

— Мактабни битираётганингизда муаллимларингиз: «Олдинда сизларни машаққатлар, ҳаётнинг қоронғи сўқмоклари ҳам кутади», дейишгани эсингиздами?

— Кимнинг эсидан чиқади улар.

— Мен ҳам ўқитувчи эдим бир пайтлар. Математикадан. Эрақк кишига ҳеч тўғри келмасакан бу касб. Биласизми, бир куни ўғрилар папка қўлтиқлаб келаётган одамнинг йўлини тўсишибди. Чўнтаklarини кавлашса, атиги уч сўм чиқибди. Папкаси бўлса нуқул китобу, дафтар экан. Ўғрилар бошлиғига бор гапни айтишса: «Сўранглар-чи, нима иш қиларкан у?» дебди бошлиғи. «Ўқитувчилик қиларкан», дейишса. «Унда, буюрибди ўғрибоши, менинг ҳисобимдан ўн сўм бериб юборинглар шўрликка!» — шарақлаб кулди Раҳмонов тилла тишларини ярқиратиб.

— Ўқитувчилик қилиб,— давом эттирди у,— итдан

суяк, мушукдан без қарздор бўлиб яшаш жонимга тегиб кетди. Охири — қурилишга ўтдим. Сиртдан политехника институтини битирдим. Ишқилиб, ҳаммаси яхши бўлиб кетди.

— Билмадимку-я,— деди Азим,— лекин ўқитувчилик ҳам ёмон эмасдиоров...

— Албатта билмайсиз-да. Чунки энди дунёни кўраяпсиз. Сизга айтсам, ҳозир устозга, ҳаёт йўлидан тўғри бошловчи устозга энг муҳтож пайтингиз. Истасангиз, ўзим устозлик қиламан. Партиягайм ўтказаман, институтга киришга ҳам кўмаклашаман.

— Раҳмат, раҳмат, ака,— дерди Азим нуқул.

— Лекин бунинг учун, биз, аввало, йўлимиздан анови Зиёдовга ўхшаш ғовларни сидириб ташлашимиз керак. Жони қил устида ўзининг. Мингта айби бор экан. Яна денг, учига чиққан порахўр. Эсингиздами, сиздан ҳам пора олганди?

— Қачон?— ҳайрон бўлди Азим.

— Шу кузда-чи?

— Айиқ ёғини назарда тутяпсизми?

— Ҳа-да.

— Ўзингиз кўрувдингиз-ку, пул берганда олмадим.

— Бари бир пора ҳисобланади уям. Гапнинг пўсткалласини айтсам, ўша баттолнинг устидан шикоят ёзишингиз керак. Қаримов ҳам ёзади эрта-индин. Ишчиларнинг гапини ҳеч қачон ерда қолдиришмайди.

— Рости,— чайнала бошлади Азим, у суҳбатлари бунақа мавзуга ўтиб кетишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди, — мен ҳеч аризабозлик қилмаганман. Ёзмаганман ҳеч қачон.

Шу пайт Раҳмонов айёрона жилмайиб, ички чўнтагидан тўрт букланган қоғоз чиқарди.

— Мана, қийналмасин деб сиз учун ўзим ёзиб қўйгандим. Имзо чексангиз — бўлгани. Қарабсизки, ўша аблаҳнинг оёғи осмондан бўлади-қолади! Мана,

ажойиб чиққан. Бир ўқиб кўринг-а,— узатди уни Азимга. «ИМКмиз бошлиғи,— дейилганди хатда,— Зиёдов К. С. Жуда қабиҳ шахс. У порахўр, қўпол, ишчилар ҳақида мутлақо ғамхўрлик қилмайди. Зиёдов ўтган йили кузда мени чақириб олиб, айиқ ёғи топиб келишимни буюрди. Опкелгандим — пулини бермади. Устига-устак, тоғ қишлоғида мева сероб бўлади деб, бир қоп майиз, бир қоп ёнғоқ, 3-4 кг зира олиб келсан деб, оёғини тираб олди. Олиб келмагандим, кабинетига чақириб роса сўкди, шахсимга тегди: «Агар айтганимни қилмасанг, умуман йўқотиб юбораман!» деб дўқ урди. Қонуний мукофотдан ҳам маҳрум этди. Ўзим бир етим бола бўлсам, қаердан топаман шунча нарсани? Зиёдовга нисбатан чора кўришларингизни сўрайман деб, Темиров Азим, 9-ИМК гишт терувчиси».

Хатни ўқиб тугатгач, Азим алланечук ғалати бўлиб кетди.

— Ёлғон-ку, бари!— деб юборганини сезмай қолди у.

— Секинроғ-е,— қош-қовоғи уюлди Раҳмоновнинг. — Нимаси ёлғон. Айиқ ёғи берувдингизми? Берувдингиз. Бунга ўзим гувоҳман. Мукофотдан маҳрум қилдимми?— бармоқларини асабий букарди у.

«Яхшиямки ўша ҳаром мукофотни олмабман», кўнглидан ўтказди Азим. Аммо ҳозир бу фикрини Раҳмоновга айтишни эп кўрмади.

Раҳмонов эса куйиб-пишиб гапида давом этарди:— Шикоят бўлганидан кейин уёқ-буёғига жиндек ямаб-чатилади, одатда. Худо ёрлақаб ўзим бошлиқ бўлиб олсам, қанот-қуйруқ бўп юрардик бир-биримизга. Манг, манави ручкани олинг-да, бошлаб қўлингизни қўйиб ташланг!

Азим ручкани олишга олди-ю, аммо ўйлашиб қолди. У сарнигун бир ҳолга тушганди.

— Қўрқманг, — далда беришга ўтди Раҳмонов. —

Мақол бор: «Сен бўрини аясанг бўри сени талайди». Шафқатсизроқ бўлинг! Раҳмдиллик бошга битган бало бўлади-я, ўғлим.

— Кечирасиз-у, ака, мен қўл қўя олмайман,— деди туйқусдан Азим синиқ товушда.

— Йигит кишиям шунақа латта бўладими?— яна тутақа бошлади Раҳмонов.— Қўясизми, йўқми?— сўради охири қашшанглик билан.

— Қўёлмайман,— бошини эгди Азим, Раҳмоновнинг оғули нигоҳига тоб беролмай.— Онам менга: «Бировларга ҳеч қачон ёмонлик қилма», деб васият қилганди.

Раҳмонов ўзини ҳар оҳангга солиб кўрди, лекин Азим бари бир узил-кесил бош тортди. «Айтябман-ку, онам...»

— Яхшиликни билмаган айронбош! Ҳе, ўша васият қилган онагни!..— деб ижирғаниб сўкинди бардоши битган Раҳмонов, шарт ўрнидан туриб Азимнинг қўлидаги хатни юлқилаб оларкан. У яна алланарсалар деб ғўлдиради-да, сўнг худди ер ютгандай бир зумда ғойиб бўлди.

Азим бир лаҳза тахтадай қотиб қолди. Кейин скамейка суянчигига бошини қўйди-да, хўрлигидан йиғлаб юборди... «Аблаҳ! Аблаҳ!» пир-пир учарди унинг елкаси...

Уни кимдир оҳиста туртди. Қараса Халил! Ҳамқишлоғи, жўраси! Азим тура солиб унинг қучоғига отилди. «Халил, Халил!..» нуқул такрорларди у, қувончдан кўзлари порлаб.

— Нима қилди сенга? Нима бўлди?— шошиб қолди Халил нима дейишини билмай, унинг ёшли кўзларига боқаркан.

— Қўявер, ўтиб кетади. Майда-чуйда гаплар,— деди Азим ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб.— Қандай қилиб топдинг мени?

— Ётоғингга борсам, аллаким, боққа отланаётган-

ди, деб қолди, тўғри келавердим. Нима бўлди?— яна ўша саволни берди у.

— Яхшиси, ётоққа юр, ўша ерда ҳаммасини тушунтираман.

— Шу диққинафас ётоғингни қўятур жўра, ресторанга туша қолайлик. Йўқ дема,— илтижо қилди Халил.

Азим йўқ демади. Улар четдаги бўш столга ўтиришди.

— Мана, танланглар,— узатди официант уларга ялтироқ жилдли менюни.

— Менюни қўя туринг,— деди Халил.— Ўзингиз танлаб, зўр овқат, салат келтира қолинг.

«Мен тўқман» дейишига қарамасдан Азимга ҳам овқат келтиришди. «Йўқ, йўқ, айтдим-у, тўқман деб», деди у Халилга. Халил (у қишлоқда шофёр бўлиб ишларди) Ленинградга дам олишга кетаётгани, самолётга ҳали вақтли бўлгани учун, Азим билан учрашишга аҳд қилганини айтиб берди. Халил арақни қадаҳларга қўйиб, бирини Азимга узатиб: «Шуни учрашувимиз учун ичсак», деди қадаҳларни чўқиштирар экан. Раҳмоновнинг бояги заққум гапи кўксига тикандек қадалиб азоб бераётган Азимда ана шу тобда негадир ичиш истаги туғилганди. Бу — унинг мана шу тикандан халос қилишда ўзи билмаган ҳолда ёрдамга келган Халилни кўриб боши кўкка етганиданми, бошқа сабабданми, тушунолмасди.

Муздай ичимлик аввалига Азимга аллақандай ёқимли кайфият бағишлади. Иккинчи қадаҳдан сўнг сархуш бўлиб, боши гир айланди. Азим ҳозир одамлар ва ўз ҳаёт йўли ҳақидаги фикр-ўйларини очиб-сочиб ташлашга уннарди.

— Гапни кўп айлантираверма. Боя сўраганимда айтмовдинг,— суҳбатни ҳазилга йўймоқчи бўлди Халил,— яширмасанг-чи, боғда бўзлатиб кетган қиза-

лоқ ким эди? Бир таъзирини берай ўзим, жўрамни хафа қилиб кетгани учун.

— Афсуски, у — эркак эди, — чуқур хўрсинди Азим. — Йўқ, у — аблаҳ эди! Унақаларни танимаганинг маъқул. Ке, жўра, орамиздан шунақа аблаҳлар йўқ бўп кетиши учун олайлик! — у қадаҳни даст кўтарди.

— Ҳа, — деди андак ўтгач Халил, — холамнинг қабрига тош қўйганинг жуда аломат бўлибди-да. Тилла эди-да, онанг раҳматли. Аттанг, рейсда бўлмаганим-да ёрдам берардим-а.

Шу он Азим кўзини мубҳам бир нуқтага тикди-да, чуқур ўйга ботди. Ҳозир унинг хаёлидан онаси кечарди.

Ниҳоятда хушчақчақ, ҳазилкаш онаси оғир меҳнатданми, эри бевафолик қилиб ташлаб кетганиданми (Отаси Азим бир ёшга етар-етмас кетиб қолган, шундан бери на тириги, на ўлиги маълум эди унинг), ишқилиб дарди бедаво бир касалликка йўлиққанди. На врачлар, на табиблар онасининг дардини енголди. У мудҳиш азоблар чангалида додлаб чиқарди.

Кунларнинг бирида у Азимни ёнига чақирди.

— Одамларга ҳеч вақт ёмонлик қилма, ўғлим, — деди ҳиссиз, қорачиғлари шишадай қотиб қолган кўзларини унга тикканча. Сўнг сарғиш, териси шалвираб қолган қоқ суяк қўллари билан уни бағрига тортиб, юз-кўзларидан ўпди. Унсиз йиғлади.

Эрталаб онаси узилди...

Азим ногаҳон ўрнидан туриб, тўрдаги эстрада сахнасида қўшиқ айтаётган йигитнинг олдига югуриб кетди.

— Намунча ҳовлиқмасанг! — унинг йўлини тўсди чап томондаги стулдан ирғиб турган киши. — Заказ бермоқчи бўлсанг, менга айт.

— Она ҳақида қўшиқ эшитмоқчиман, — деди унга Азим.

— Она ҳақида?! Афсуски, билмаймиз. Кейин, бу ер — ресторан. Ғамгин ашула билан хўрандаларнинг кайфиятини бузиш мумкинмас. Хурсандчилик қилиш керак ресторанда. Алла Пугачёва, Валерий Леонтьев репертуаридан бўлса — марҳамат!

— Она туғмаган экан-да сенларни?! Хайф-э! — қичқирди Азим унга чақчайиб. Сўнг гандираклаб жойига борди.

— Эшитяпсанми, Халил, она ҳақида қўшиқ айтилмас экан бу ерда. Қайфият бузилармиш! Қайфият!..

— Бўлди энди, турайлик. Самолётга кечикяпман,— қўлидан тортди уни Халил.

— Майли, сен боравер. Мен ҳали пича ўтираман.

— Қўй, Азимжон, кетдик.— Халил бир амаллаб уни ташқарига олиб чиқди. Кейин такси тутиб, ётоқхонаси олдига ташлаб ўтди.

Аммо Азим ётоқхонасига кирмади. Кўз олдига негадир Раҳмоновнинг башараси келаверди. «Ўша махлуқ онагинамни сўкди-я. Сўкди-я! Кўрсатиб қўяман унга». Унинг бояги юрак яраси қайтадан янгилана бошлаганди. Азим гандираклаб, ғайришуурий равишда Раҳмоновларнинг кўчасига бурилди... Оқибатда эса... Йўқ, бари бир ноқулай бўлди. Айниқса Халилнинг олдида. Лекин Раҳмонов... Эҳ, бошлаб тушириш керак эди-я, у аблаҳни. Ҳеч бўлмаса бир мартагина...

Аллаким хона эшигини секин чертди-ю, Азимнинг хаёллари бир зумда тарқалди. «Курсдошларим булса керак» ўйлади у ва «Кираверинг!» дея таклиф қилди жойидан қўзғалишга ҳам мадори етмай.

Аммо хонага беш-олти ёшлардаги қизчани қўлидан тутган нотаниш аёл кирди.

— Кечирасиз. Мен...— шошиб қолди Азим.

— Майли, майли, безовта бўлманг,— деди аёл, тумбочканинг устига нимадир тугилган гулдор дастурхонни қўяркан.— Манги опкелгандим. Иссиққина. Ан-



ча овора бўлдим-ей, хонагизни қидириб,— у стулни суриб, омонатгина ўтирди.

— Раҳмат-у, лекин...— у аёлдан кимлигини сўрамоқчи бўлди-ю, негадир ботина олмади.

— Соғлигингиз яхшими? Ҳеч ерингизга ҳеч нарса бўлмадими ишқилиб? Худога шукур-ей! Маъмура, сен ҳам кўриш акаглар билан, — буюрди сўнг қизчага.

— Дуюсмисиз?— сўрашди Маъмура унга яқинлашиб.

— Яхшиман. Ўзинг катта қиз бўлаяпсанми?

— Ҳа, катта бўп қолдим. Энди опамла яшийиб қўйган конфетлайга бўйим етади! — мақтанди у узун киприкларини пирпиратиб.

— Оббо, сен-ей, бўйим етади, де,— кулди Азим.

— Ҳозирги болаларга ҳайронсан, Кунига ўнта шоколад емаса туролмайди, мана шу хато. Кўпиям зиён, шундан яшириб қўяман. Тузикмисиз? — Яна Азимнинг соғлигини суриштира кетди у.— Балки сиз овқат еб оларсиз. Мадор бўлади, рангингизга қаранг.

— Раҳмат. Егим йўқ,— ноқулай вазиятда қолгандан хижолат чекарди Азим.

— Ўзингиз биласиз. Ҳе, бурнингни шилқиллата-верма. Ма, арт!— зарда билан Маъмурага рўмолча узатди у.

— Кечирасиз-у, таний олмадим сизни?— охири бор журъатини тўплаб сўради Азим аёлдан.

— Раҳмонов акагизнинг ўртоғи бўламан. Кеча маст бўливолиб, кўчани роса бошингизга кўтардингиз-ей! Акагизнинг бошини ёрганингизни айтмайсизми. Оқди қон, оқди қон! Дори суркаб, боғлаб қўйдим. Эрталаб қўшниларимиз «Мелисага боринг, қаматиш керак ўша хулигани» дейишганларида, у киши, «Еш жонига жавр қилмайман» деб қўймади...

Азим аввал қўрқиб кетди. Лекин аёлнинг кўзларига қаради-ю, унинг ёлғон гапираётганини, Раҳмоновга жин ҳам урмаганини ички бир туйғу билан сезди

— Үзи бир аҳволда-ю, нуқул сизнинг ғамингизда бўлди. «Бечора яхши етиб бордимикан, ишқилиб?» деб анча ташвиш тортди. Охири «Энди хотин, йигитчиликда нималар бўлмайди дейсан. Уша жанжални яхшилик билан ҳал қилсак. Бориб хабар ол ўзинг, пича мантиям ола кет»— деб қўярда-қўймай юборди мени олдингизга. Ҳа, жудаям ҳотамтой акангиз. Ҳурида бошқа бўлганида борми, гиппа қаматарди-қўярди! Фақат биласизми,— қўлидаги икки буклоғли газета орасидан дафтар варағига ёзилган хат чиқарди у.— Мана шунга, савил қолгур ўша кечаги хат-да, мана шунга имзос чексангиз. Уша Зиётов дегани тинчигач...

— Пима?— жойидан иргиб турди Азим.

— Қўл қўйинг деяпман, ручка топилар-а?

— Қани беринг-чи, — қўлини узатди Азим.

— Мана, ўргилиб кетай. Раҳмонов акангиз ҳам бежиз мақтамасакан-да, ҳаммавақт сизни. Кеча эса, кеча шайтон оздирган сизни, ҳа, ҳа. Вой бўйгинангиздан ўргилай. Ҳали тўхтаб туринг, байрам бўлади бизнинг кўчада ҳам,— деди у хатни Азимга узатаркан.— Бугуноқ тегишли жойга юборамиз уни. Шу бугуноқ!.. Ҳей, нима қиялпсан?! Йиртма деяпман, йиртма, аҳмоқ! Қамоқда чириб ўласан ҳали, бировнинг хатини йиртганинг учун, — дея кўзи қинидан чиқаёзди аёлнинг унинг гапларига заррача эътибор бермай хатни шартшурт йиртаётган Азимга қараб.

Азим эса қўлидаги қоғоз бўлақларини ғазаб билан полга сочиб юборди-да, югуриб бориб тумбочка устидаги дастурхонни олиб, аёлга тутди.

— Манг! Энди бориб, мелисага борасизми, прокурорга борасизми...

— Пушаймон ейсан, минг пушаймон ейсан ҳали, шошмай тур, сен хулиган.

...Маъмура эса ҳеч нарсага тушунмас, кўзлари пиррираб, гоҳ онасига, гоҳ Азимга қарарди.



## ДОШҚОЗОН

Бегим кунлари мудроқ босиб ётадиган бозор, якшанбада яйраб кетади. Деворларга осилган, ерга чиройли қилиб тўшалган гиламу жулбароқлар, расталардаги бири биридан бежирим газламалар, хушбўйи дилни маст қилувчи мевалар унга гўзаллик, гавжумлик бағишлайди.

Кейинчалик, қуёш тигини чархлаб олгач эса, бозор нақ арининг уясига айланади-қолади. «Кеп қоллинглар, асл маҳсулот, ярми қант, ярми новвот!» «Қимга қора мурч? Қоп-қора, худди сақич!» деб ўз молларини таърифу тавсиф қилаётганларнинг турфа хил овозлари қулоқни қоматга келтиради. Сон-саноқсиз машиналарнинг сигнали эшакларнинг безовта ҳанграшига қоришиб кетади.

Қоп, сумка, тўрхалтаю қоғоз пакетларни тўлдириб олган одамлар бир-бирларини туртганларича, расталар оралаб дув югуришади.

Уйларида наҳорлик қила олмай, каллаини саҳарлаб бозорга келганлар эса кабобпазларнинг димоқни

қитиқловчи хушбўй тутун бурқситаётган кўралари, зарчава қўшилиб дамланган тилларанг палов дошқозонлари олдида аллақачоноқ ҳосил бўлган навбатларнинг кетига тиркалади.

Бозорга кираверишдаги, офтобда кўпчиб, жизғанаги чиққан асфальт майдоннинг чап биқинига ўрнатилган сепояли темир ўчоққа қўндирилган каттакош дошқозон қаршисига ҳам анчагина одам тизилган.

Қўсқи уринган халат кийган, хийла қориндор, қиррабурун ошпаз йигит ош сузишдан олдин ҳар гал капкирни чаққонлик билан ҳавода гир айлантиради. Тақсимча тўлгач, ёнидаги шогирд бола сабзимисол қилиб тўғраётган гўштан бир чимдимни ошнинг устига ташлайди. Дуварақ, кўзойнак таққан мўйсафидга навбат яқинлашганида, у ошпазга иложи борица секингина: «Қўлингиз кирлабди, юиб олсангиз бўлармиди, ўғлим», деб танбеҳ бергандики, ланж навбат бир сонияда жунбушга келиб, долғаланиб кетди.

— Ҳа, қизиқ экансиз, ювишга сарфлайдиган ўша вақт деб уч-тўрт сўмдан ажраб қолсинми? — деди чийилдоқ товушда енгсиз катак кўйлак кийган одам.

— Яна кўзини дўлайтиришини! Ўзи хон, кўлапкаси майдон бўп кетган булар!— шовқин солди тўрхалта тутган мўйловдор.

— Порсисиниям бир сўмдан пулляпти-я, нонсоф,— кесатди юзидан тер қуйилаётган семиз аёл.

— Акт тузиб, бошлаб таъзирини бериб қўйиш керак!— ён-веригагиларга мурожаат қилди оқ шляпадаги дуккипешона йигит.

Ўзини зоҳиран хотиржам тутиб турган ошпаз, баноғоҳ ўнг қўли билан бошини чапгаллади-ю, «вой» деганча, ҳув наридаги стулга мункайиб ўтириб қолди. Ёрдамчиси югуриб олдига борди-да, «Қурвон ака, яна давлениями?» сўради безовталаниб. Аммо ошпаз миқ этмади. У пича қаққайиб тургач, тагин жойига келди-да, гўшт тўғрайверди.

— Ҳей бола, сузмайсанми?— бақирди унга аллаким. У эса пинагини ҳам бузмади.

— Гарангмисан? Ош суз деяпмиз!— тоқати тоқ бўлди ҳалиги одамнинг.

— Менга мумкинмас. Шефимиз тузалса сузади,— лоқайд жавоб қайтарди у.

«Шеф» эса хумдай бошнини эгганча ўтираверди.

— Бўлди-да, ош совуб қолади-ку!— хуноби ошди навбатдагиларнинг.

— Одам ўламан деб ётибди-ю булар бўлса...— пўнғиллайди ёрдамчи.

Шу пайт ошпаз инграшга тушди. Ёрдамчиси навбатдагиларга совуқ бир хўмрайди-да, унинг олдига борди. «Балки дўхтир чақиринш керакдир?» сўради ундан. Ошпаз эса «керакмас» дея бошини чайқади. Бу сафар ёрдамчи ўчоқ ёнидаги табуреткага ўтирди-да, сигарет чека бошлади.

Орага аллақандай нохушлик чўкди.

— Давлени қурғур жа чатоқ-да,— ногаҳон сукунатни бузди иссиқдан бўғриққан юзларини рўмолчаси билан артаркан бояги семиз аёл.— Томирлар бир минутда гуп этиб ёрилиб кетиши ҳеч гапмас.

Унинг ачиниш билан айтган шу гапидан сўнг навбатдагилар яна жонланиб кетди.

— Босими борларнинг асабига тегмаслик керак,— хулоса ясади аёлнинг фикрига дуккипешана йиғит.

— Жуда тўғри айтдингиз, муллака,— илиб кетди унинг гапини сепкилли одам.

— Ошпазларга ҳаминша осон тутамиз. Уғриям деймиз, бошқаям деймиз. Нима, тёмирданми бу шўрликларнинг жони?— куйиб-пишди катак кўйлакли.

— Қўли куя эмиш! Агар газда пиширса: «Ширин чиқмабди, ўтинда пишириш керак эди», деб жанжал кўтарамиз. Утин ишлатгандан сўнг, куясиям бўлади-да!— деди мўйловдор.

Ошпаз шогирдин имлаб чақирди. «Муздеккина сув опке!» буюрди унга.

— Ҳар нарсани кўнгилга яқин олаверманг. Мана ҳозир отдай бўп кетасиз,— илжайиб навозиш кўрсата бошлади ошпазга, икки қўлтиғига қоғозхалта қистириб олган дароз.

— Ойдаккина ишлаб турувди-я. Ҳамма ғалвани мана шу кўзойнак бошлади,— қўққисдан шаңғиллай кетди бояғи аёл.— Индамасдан ошингизни еявермайсизми?! Қўлидан иргансангиз ош олманг эди.

— Шунча одам битта ғаламиснинг жатига қоб ўтирибмиз-а,— таъна қилди аллаким.— Тушлик ҳам расво бўлди. Эртароқ овқатлансам магазинга ҳам кирмоқчи эдим.

Мўйсафид қалбини ларзага сола бошлаган оғир титроқни минг азоб билан босганича, каловланиб, навбатдан чиқиб кетди.

— Уттиз икки гўлаҳга ўт қўйганлардан бу!— асабийлашди аёлнинг ёнидаги кампирдахан кимса.— Мана, мени айтди дейсизлар, ҳозир бориб кабобпазниям бирон балога гирифтор қилади у!

— Ҳе, ел есини ўша бужмайган сўхтангни!— Навбатдагилар мўйсафидни хумордан чиққунча қарғашди. Кейин эса: «Келинг, суза қолинг. Сузинг энди. Ичимиз таталаб кетяпти», деб ялина бошлашди ошпазга. Ҳил-ҳил бўлиб пишган, қуёшда ажиб товланаётган тилларанг гуручлар устидан кўтарилаётган ёқимли ҳовур димоғларига урилган сари, уларнинг яллиб-ёлворишлари авжига чиқарди.

Нихоят ошпаз бамайлихотирлик билан ўрнидан турди-да, лайлак юриш қилиб дошқозон олдига келди ва ош суза бошлади.

## ТАНОВАР

Чўлдаги тўйлар, гарчанд, кеч етти-саккизларга тайинланса-да, қарийб ярим кечаси бошланиб, саҳар-мардонгача чўзилади. «Чинобод» совхозининг иккинчи бўлими бухгалтери Маматмуродовнинг хонадонидagi тўй ҳам соат ўн бирларда очилди.

Ҳайҳотдай ажриқзор устида қатор тизилган қўл-бола столлар атрофидаги йўл-йўл пойандоз, гулдор кўрпача тўшалган тахта ўрнидиқлар одамлар билан лиқ тўла. Саррин шабада йироқ-йироқлардан ўт-ўланлар бўйини олиб келади. Осмон гўмбазида юлдузлар чамани чарақлайди. Юлдузлар иймағибгина ўтиришган келин-куёвга суқланиб боқишади, гўё.

Тўй ранси ҳам, сўз берилганлар ҳам нуқул китобий жумлаларни қаторлаштиргани сабаблими, ишқилиб ўтириш қизмайди. Зар дўппили, ҳар бири қамчиндай икки ўрам сочини селкиллатганча, сўзларини англаб бўлмайдиган қўшиқ кўйига ўйинга тушаётган раққосагаям кўпчилик эътибор бермайди. Кимдир шериги билан гаплашади, кимдир ён-веридагига қадаҳ тутади, бошқа бировларнинг эса овқатдан оғзи бўшамайди. Аллаким ҳомуза тортади.

Куёвнинг дўстларидан бири гапиргач, аллаким: «Тановар бўлсиң! Тановар!» дея кичқиради овозини баралла қўйиб. Торчи жилмайиб, қўлини кўксига қўяди-да, «Тановар»ни бошлаб юборади. Раққоса бўлса, бўлиқ кўкрагини, тепа жағидаги қатор тилла тишларини кўз-кўз қилганча, эшилиб тўлғанади.

Бир маҳал четда ўтирганлар даврасидаги уч-тўрт одам, юзи чўзинчоқ, эски дўппи кийиб олган йигитни мажбурлаб даврага чиқаришади. Йигит олдин уялинқираб туради, сўнг қушдай қоқинади-да; раққоса тушиб кетади. Адл қомати шукуҳ билан тебранади, кўзлари атрофини чиройли кулгичлар қоплайди.

Раққоса худди сеҳрлангандай, йигитга бир зум ти-

килиб қолади. Сўнг, юрагида пайдо бўлган аллақандай ширин ва сирли туйғудан энтикиб, секин-аста ўйинга тушади. Энди унинг рақсидаги бояги совуқ-қонлик йўқолиб, ҳаракатлари вазминлик касб этади, кўзлари қувончдан порлайди.

Торчи кларнетчи билан аккордеончига нималарнидир шивирлайди, улар бошларини сарак-сарак қилишиб, тезда ўз чолғулари овозини пасайтиришади. Йигит билан қиз гоҳо юлдузлар чамани бўйлаб сайр қилишаётгандай, гоҳо куйнинг сеҳрли тўлқинлари ичра сузишаётгандай бўлишади. Уларнинг ҳаракатларида, чанқоқ кўзларида қувонч, андуҳ-эҳтироснинг барча товланишлари жамулжамдек туюлади.

— Кўпдан бери бунақанги ўйинни кўрмовдим!— завқланади аллаким.

— Бало экап-ку, бу Салим сувчи!

— Юракни сел қилиб юборишяпти-я! Балли, азаматлар!

Орқа ўгириб ўтирганлар ҳам бошларини рақс тушаётганлар томон буришади. Гала-ғовур ўз-ўзидан тилиб, атроф сув сепилгандай жимиб қолади.

Ногаҳон тўрда ўтирган қориндор, юқори тугмалари ечилиб, кўйлагининг чап ёқаси пиджагининг ичига қайрилиб қолган, қисик кўзлари қизариб кетган, норғил, шопмўйлов одам ҳапқат қадамлар билан рақс тушаётганларга яқинлашади-да, уларнинг орасига суқила бошлайди. Йигит билан раққоса эса унга чандон эътибор беришмайди. Унга алам қилиб кетади шекилли, йигитни елкаси билан бир туртиб, қизнинг қарши-сига ўтади, узун қўлларини беўхшов ёзиб ўйинга тушади. Аммо раққоса чапдастлик билан уни четлаб, ўйинни давом эттиради. Мўйловдор тагин сирачлик қила бошлайди.

— Ким у?— унга ишора қилиб сўрайди, ўртадаги ўриндиқда ўтирган одам шеригидан.



— Бекназаров. Шу бўлимнинг бошқарувчиси,— сирли шивирлайди унга кўшниси.

Бекназаров бу гал йигитни қаттиқроқ туртиб, уни четга суради-да, тасқара ҳаракатлар қилиб, раққосага қараб тиржайди. У эса ғижиниб, юзини терс ўгиради. Йигит бўлса чаққонлик билан қизни ундан айиради.

Бир маҳал Бекназаров чўнтагидан битта йигирма бешталик олади-да, йигитни айланиб ўтиб, раққосага яқинлашиб, унинг дўпписи остига пулни қистиради. Сўнг талтанглаб юриб, шох ташлаб яна ўйнай кетади.

Атрофни ола-тасир қарсақлар босади.

— Яшанг, Бекназаров! Йигитларнинг хўрозисиз-да, аммо-декин!— салламно айтишади унга тўрдагилар.

Рухланиб кетган Бекназаров бу гал қизга битта элликталик қистиргандики, раққоса ғайри шуурий равишда унга навозиш кўрсатади. Қошларини қоқиб, бошини бўйни атрофида ликиллатганича, хиёл ортга эгиб, қўллари билан ҳавони бот-бот кесади.

Тор чертаётган бақалоқ шерикларига сирли бир назар ташлайди-да, чолғусининг симларига ўлиб-тирилиб ёпирилади: Доирачи эса чилдирмасини боши узра баланд кўтариб, ҳалқачаларини шақиллатади-да, доирани момақалдироқдай қалдирата бошлайди. Куйга нариданд-бери, жуда паст товушда қўшилаётган кларнетчи билан аккордеончи оғир сиқувдан халос бўлганларидан шодланишиб, куйни шўх — ўйинқароқ оҳанг пардасига кўмиб ташлашади.

Ҳали вужудидан бояги аланга сўнмаган йигит қизни яна рақсга чорламоқчи бўлганида, аллаким: «Чақиртикандай тиқилишини бу бетамизнинг», дейди хуноби ошиб.

«Ҳозир, ўзим!», бўлим завхози ўрнидан ирғиб туриб, йигитнинг олдига югуриб бориб, ёқасидан тутди-да: «Бас қил-ей, ҳезалак! Нима қиласан ойдаккина ўйнаётган одамга халақит бериб? Ўтир жойингга!» деб

уни жаҳл билан судрайди. Йигит қип-қизариб, бошини қуйи эгганча, даврадан чиқиб кетади. Қиз эса ўзинини давом эттираверади. Сурма тортилган кўзларини сузиб, бармоқларини бир-бирига уриб чақиллатади.

Олдин завхоз, унинг кетидан кўк костюм кийиб олган бригадирлардан бири қўлларига иккитадан ўн сўмлиқни тутганларича, пилдираб, ўйнаётганларга яқинлашади-да, тавозе билан пулларни қистиришади. Сўнгра Маматмуродов, унинг қариндошлари ҳам навбатманавбат пул қистиришга ўтишади. Қуёвнинг опаси Бекназаровнинг билагига шоҳи қийиқ боғлайди.

— Дўст! Кам бўлманг, Бекназаров!— ўзини тиёлмай жойидан ирғиб туриб қарсак чала бошлайди гараж мудири.

Унинг далдаси Бекназаровга мадад беради: ҳаракатлари тагин ҳам авжига чиқади. Кейин, раққосага таъзим қилади-да, қошини бир-икки қоқиб: «Ақаси жонидан!» деб қийқиради. Раққоса ҳам бўш келмасликка уринади: танасини ўнгу сўлга ташлаб эшилади, гоҳ ним чўккалаб, кўзлари билан им қоқиб, турли муқом кўрсатади.

Ҳар мўйидан чакиллаб тер томаётган Бекназаров ҳансираб, дўпписи тагига қистирилган пулларни олиб, раққосага узатади. У ўзидагиларни ҳам қўшиб, торчининг ён чўнтагига гижимлаб солиб кўяди. Бекназаров у қайрилиб қарагач, бармоқларига тупуриб, мўйловининг учларини ҳўллайди-да, йўрғалаб ғамза кўрсатишга тушади, гоҳо-гоҳо ер депсиниб ҳам кўяди. Елкаси ҳар қоқилганда; туянинг ўркачидек туртиб-туртиб чиқади.

Раққоса бетиним илжаяди, билакузукларини шақиллатганча, майда қадамлар ташлаб, унинг атрофида гир айланади...

## ҚЎШМУРОД

Ниҳоят ботган куннинг тонги отди.  
Тўрт йил минг йилга чўзилди ўзиям.  
Мана энди ҳаммаси тамом!

...Қўшмурад бораётгани ҳақида уйдагиларга хат-хабар беришни истамади, курортдан қайтаётгани йўқ-ку, ахир. Поездда одам тирбанд, жой етишмасди. У проводникка ялишиб-ёлвориб, омонатгина бир жой топди. «Қизиқ экансиз, қийналсам қийналибман-да, етиб олсам бўлгани» деди проводникнинг; «хоҳласангиз шу ерда кетавering, лекин бошқа жой топиб беролмайман» деганига.

Вагон бир маромда чайқалар, гилдиракларнинг «тақа-туқ»и гоҳ пасайиб, гоҳ авжига чиқарди. У колленкор пардаси кўтарилган, анча йилдан буён ақалли бирор мартаям латта тегмаганидан ойнаси хира тортган деразадан атрофга ўйчан тикиларкан, ястаниб ётган пахтазорга кўзи тушиши биланоқ яна ўша машъум воқеалар хаёлида гавдаланди.

Ўшада уларнинг даласида кутилганидан ҳам кўп ҳосил тўпланган эди. Эртаю кеч пахтазордан бери келишмас эди. Уйқулари бир чимдим бўлиб қолган, на соқол олишга, на тузукроқ ювинишга вақт топишарди. Кечаси пахтаси териб олинган картанинг пахтаси саҳар мардонда очилиб тураверарди, гўё бу ерга яқин ўртада машина мутлақо ораламагандай.

Қўшмураднинг уйдан хабар ололмаётганига олти кун бўлганида, чошгоҳдан сўнг далага ўртанча ўғли келди. Қўшмурад машинасидан туриб кимнингдир ҳал-лослаганича, гўзаларни шатур-шутур эгиб-йиқитиб, машинаси томон югураётганини кўрди-ю, дарҳол таниб, юраги «шув» этиб кетди. «Муҳаррамга бирор нарса бўлдимкин-а?» алағда бўлди у ва машинадан даст тушиб, ўғлининг истиқболига югурди. Ўғли етиб кел-

гач, ўпкаси оғзига тиқилгудек бўлиб: «Ота, тез юринг, энам ёмон бўлаяпти», деди кўзлари мўлтиллаб.

Муҳаррам оғироёқ эди, Қўшмурод йўл четида турган, анчадан бери тозаланмаганидан чанг босиб кетган эски «Москвич»ига ўғлини чиқарди-да, бир зумда уйга келди. «Вақти бўпти шекилли, касалхонага элтсангиз», деди хотини унга ҳазин бир товушда. Қўшмурод унинг аҳволини кўриб чўчиб кетди ва шунча кундан бери ундан ақалли бир марта ҳам хабар ололмагани учун ичида ўзини-ўзи итдан олиб итга солди. Муҳаррамнинг ранги бўздек оқарган, юзидаги доғлар йириклашиб, аллақандай тус олган, хиёл қизарган кўзлари косасидан чиқиб кетгудек туюларди. «Ўзинг бардаммисан, ишқилиб?» меҳрибонлик билан сўради у хотинидан. «Қим биледи, яхшига ўхшайман-ку», деб қўйдی у эрига қарашга ийманиб.

Туғруқхона бу ердан анча узоқ. Район Марказий касалхонасининг ҳовлисида жойлашган эди. Қўшмурод машинасининг у ер-бу ерини артди-да, орқа ўриндиққа кўрпача тўшади. Хотини «ҳар эҳтимолга қарши», деб ўзи билан жемпериниям оливолди. Қўшмурод ўғлига: «Сен укаларингга эҳтиёт бўлиб тур. Агар мени биров сўраб келса, энамини касалхонага олиб кетди дейсан. Мен икки-уч соатлардан кейин қайтаман», деб тайинлади-да, кийимини ҳам алмаштирмасдан, йўлга чиқди.

Кетиб боряпти-ю, бир йўлга қарайди, бир хотинига.

Куз аини долзарбга кирган палла бўлса-да, қуёш худди саратондагидай қиздиради. Осмон нилий бир тиниқликда товланар, уфққа туташиб кетган пахтазор қуёш нурида жимирлаб, кўзни қамаштирар, йўл чеккасидаги ярим яланғочланган дарахтлар сариқ-қизғиш либосларини кўз-кўз қилиб, машина ғилдираклари қасмоқдек кўпчиган тупроқ йўлда қийналиб айланарди.

Уч-тўрт кундан бери ҳашарчиларни ташиш яна авжига чиққан, район ва область марказларининг кўчалари ҳувиллаб қолган, кўпгина магазинларнинг

эшингига қулф солинган, бозорлар ёпилганди. Шаҳар ва районлардан пахтазор томон кунига қатор-қатор автобуслар келарди. Мана, ҳозир ҳам ҳув катта йўлдан визиллаб колонна ўтиб кетди. «Тоғликларни опкелишяпти, шекилли», хаёлидан ўтказди Қўшмурод ва ёдига бундан икки йил илгари бригадаларида ҳашарчилар хусусида бўлган баҳс келди.

Ушанда улар шийпонда энди овқат еб бўлишиб, чой ичишаётганди. Кимдир қўшни совхозга яна ҳашарчи келганини айтганида, Ҳасанбой (у ҳозир бригадир, ўшанда эса механик-ҳайдовчи бўлиб, ирригация институтида сиртдан ўқир эди):

— Э, бу ҳашарчиларнинг бир мири ҳамён бўлса, уч мири зиён,— деб қолди афсус-надомат билан.— Шуларни бекор обчиқишади-да, ўзи.

— Нега? Улар бўлмаса, эҳ-ҳе...— деди Баҳром дароз.

— Улар бизга ёрдамлашишади-ю, лекин, айтинлар-чи, нега биз ишчиларга ёки, дейлик, қурувчиларга ҳашарга бормаймиз ҳеч қачон?— сўради ундан Ҳасанбой.

— Қизиқ бўлди-ку, бунинг гапи? А, қандай борамиз уларга ёрдамга, ўзи бошимизни қашишга вақт топаолмаймиз-ку. Бунисиям ҳолва-ку, уч юз метр наридаги уйимизга боришга фурсат йўқ-ку, хотинларимизга минг раҳмат, ҳалиям чидашади шу айрилиққа,— илжайди Муса сувчи.

— Бошқа соҳада ишлайдиганларнинг вақти ошиб-тошиб ётибди деб ўйлайсизларми? Кейин, шу ҳашар деб кўплаб станоклар ишламайди, шаҳарларда автобус етишмайди, одамлар хуноб бўлишади, ўқувчи-ю, студентларнинг қийналганини эса қўяверинг,— қизишди Ҳасанбой.

— Буни сизсиз ҳам биламиз, бу ҳақда газеталар даям ўқиганмиз. Лекин шунга эсдан чиқармаслик керакки, пахта аввало об-ҳавога боғлиқ. Шунинг учун

бу масалада тортишиб ўтиришимизнинг ҳеч фойдаси йўқ,— деб қолди қайсидир иш билан бу ерга келган бўлим бухгалтери.

— Мен юз пойиз кафиллик бераманки,— энди унга юзланди Ҳасанбой,— теримни ҳашарчиларсиз, ҳеч бўлмаганда уларнинг сонини ҳозиргидан беш-олти баравар камайтириб ҳам, ҳеч бир каму-кўстсиз ўтказиш мумкин!

— Э, қўйинг, шу бўлмағур сафсатани,— деди фиғони чиқиб бухгалтер.— Бунинг учун эса об-ҳавога олдиндан заявка бериб қўйиш керак: «Илтимос, шу числодан шу числогача ёмғир, қор ёғдирмай турунг, пахтамизни териб олайлик деб»,— ўзининг топқирлигига ўзи шарақлаб кулди у. Кўпчилик унга қўшилиб кулиб олишди.

— Йўқ,— овози қатъийлашди энди Ҳасанбойнинг,— бунинг учун ҳеч кимга, ҳеч қандай заявка бериш шарт эмас. Бунинг учун, аввало терим техникасини такомиллаштириш керак. Олимлару конструкторларимиз бу борада катта иш қилишяпти. Зора-мора тезроқ ўйлаб топишса шунақанги машинани. Иккинчидан эса, бевосита бизга боғлиқ («Бекордан бекорга институтда ўқимаётган экан», дея унинг гапидан завқ олиб ўйларди бир чеккада ўтирган Қўшмурод). Ишимизни янада пухтароқ ташкил этишимиз керак. Шу бор машиналардан ҳам унумли фойдаланишимиз керак... Агар ишонмасаларинг, ўзимизнинг бригадада бир тажриба қилиб кўрайлик-а. Яқинда терим бошланади, умуман бирортаям ҳашарчини жалб қилмай кўрайлик-чи!

— Э, қўйсангиз-чи, шу бош оғриқни,— эътироз билдирди унга Баҳром дароз оғзини чапиллатиб.— Қишин-ёзин қилган меҳнатимиз қор-ёмғирнинг тагида қолиб кетсинми?!

— Сиз нима десанглар денглару, аммо-лекин тўғри гапни айтяпти Ҳасаъбой. «Мен қўшиламан унинг фикрига», деб унинг жонига ора кирди бу даҳанаки

жангни боядан бери сассиз кузатиб ўтирган Қўшмурод.

Сўнгра Ҳасанбой иккови не-не машаққатлар чекиб, олдин бригадирни, кейин эса бўлим раҳбарларини ўз томонларига оғдириб олишди ва ўша мавсумда дала-ларига бирорта ҳам ҳашарчи ораламади. Лекин роса қора терга ботиб меҳнат қилишди-ей ўзлариям. Тўғри, икки-уч киши, шу жумладан Баҳром дароз ҳам «бу ватанпарварликларингнинг охири бахайр бўлсин-да» деб, қовоқ-тумшуқ қилиб юришди. Лекин натижа зўр чиқди. Ҳосил вақтида терилди, ҳатто бир чаноқ ҳам пахта қору-ёмғир остида қолмади. Аммо-лекин мукофотниям беармон олишди! Шу-шу Баҳром дарознинг дами ичига тушиб кетди, шу-шу улар теримни ҳашарчиларсиз ўтказадиган бўлишди. Сўнг бу «усул»ни қўшни бригадирлар қўллади. Ҳозирги мавсумни эса бутун бўлим ҳашарчисиз ўтказаяпти.

\* \* \*

«Лекин аломат йигит-да, бу Ҳасанбой», деди ичиди Қўшмурод, машинасини ўнгга бураркан. Улар қўшни совхозга олиб борадиган тош йўлга чиқишди. Энди машина анча енгил юрарди. Пича юришгач, Муҳаррам ойнани андак туширишни сўради. Боя чанг-тўзон кир-масин, деб Қўшмурод ҳамма ойналарни кўтариб қўйган ва машина роса қизиб кетган эди. У шоша-пиша ўз томонидаги ойнани туширди. Муҳаррамнинг шамоллаб қолишидан қўрқиб, нариги ойнага тегмади. Аммо тезликни пича оширди.

Ярим чақиримча ўтганларидан сўнг, Қўшмуроднинг кўзи чап томонда турган милиция формасидаги уч кишига тушди. Шу пайт улардан бири — узун бўйли, тўладан келгани қўлидаги таёқчасини кўтариб, Қўшмуродга «тўхта» ишорасини қилди. Қўшмурод ҳозир улардан қутулиш нақадар машаққат эканини биларди ва шунинг учун олдиниға тўхтамай ўтиб кетмоқчи

ҳам бўлди. Лекин автоинспекциянинг махсус машина-сини (у сал нарида турарди) кўриб, бари бир қувиб етишларини билиб, тўхтатишга аҳд қилди. «Ахир тушунисар, одам-ку улар ҳам» ўзига-ўзи тасалли берди Қўшмурод тормоз педалини босаркан. Машина эллик метрча нарида тўхтади.

— Бирор нарса бўлдимиз?— сўради чўчиб боядан бери индамай келаётган Муҳаррам. Афтидан, у инспекторларни кўрмаганди.

— Ана, анавилар тўхтатишди,— деди боши билан уларни кўрсатиб Қўшмурод.

— Нега?

— Қим билади дейсан. Нима қиламиз энди, илож йўқ. Бориш керак олдига. Мен, ҳозир,— деди юмшоқроқ гапиришга уриниб Қўшмурод, ҳужжатларни олиб машинадан чиқар экан.

— Ишқилиб ҳаялланган-да,— деди Муҳаррам маҳзун бир товушда.

Қўшмурод индамай автоинспекция ходимлари томон кетди. У йўлнинг ушбу қисмида ГАИ пости йўқлигини биларди. Лекин ҳар йили терим мавсуми айни авж палласига етганида йўлларда муваққат постлар ташкил этиларди, ўзи. Лекин шундай постнинг бу ерда биринчи ташкил этилиши эди. Бўялавериб қандайдир ноаниқ тус олган темир столнинг «манглайи»га «ГАИ» деб ёзилганди. Орқада бир-иккита машина йиғилиб қолганди. Уртада турган қозоқ башара, бурни ялпоқ, қаппайган қорни кителини туртиб чиққан, бармоқлари семиз ва калта, фуражкеси хиёл қийшайиб қолган, юзи мойлашган кулчадай ялтироқ старшина қўллари билан ҳавони кесиб-кесиб, ёнидагиларга нималарнидир тушунтирарди. Унинг ёнида эса беш-олти киши (шу жумладан икки сержант) турарди.

Қўшмурод уларга салом бериб, тўпга қўшилмай нариги чеккада туриб қолди. Унинг саломига алик олиш уёқда турсин, ҳатто унинг келганини ҳам ҳеч ким пай-



қамаганди назарида. «Ўтиб кетаверсам бўларкан-а», афсуслана бошлади Қўшмурод. Аммо шу пайт: «Қани, правангизни», деб қолди унга боя таёқчасини кўтариб тўхтатган лўппи юзли, сийрак мўйловли сержант.

— Қўйинг энди шуни, ҳужжат-пужжат деб ўтира-сизми. Хотинимни опкетаётувдим... Бир мурсага кела-қолсак-чи, яхшиси.

— Ҳужжатларингизни деяпман,— деди сержант унинг гапига эътибор ҳам бермай.— Қани!

«Балки бир кўриб, қайтариб берар» ўйлади Қўш-мурод ҳужжатларини унга бераркан. Сержант ҳужжат-ларни уёқ-буёқ кўздан кечирган бўлди-да: «Мана», деб старшинага узатди.

Старшина ёнида қолган иккинчи сержантга нима-дир деганди, у темир столга борди-да, сумкасидан қа-лам-қоғоз чиқариб, тикка турганича, сал энкайиб алла-нарсаларни ёза бошлади.

Қараса, вақт кетяпти. Қўшмурод ўзини билдириш учун аста йўталиб қўйди. Аммо унга ҳеч ким парво қилмади. Орадан беш-олти минут ўтгач, Қўшмурод қаттиқ безовта бўла бошлади. Яна бир йўталди. Бу сафар анча қаттиқроқ. «Сабр қилинг,— шу заҳоти жер-киб ташлади уни инспектор,— кўриб турибмиз бор-лигингизни. Кўр эмасмиз!»

Лекин яна уч-тўрт минут ўтгач ҳам старшина суҳ-батдан бўшамеди.

— Ҳой ука, жавоб берсангиз-чи, жуда шошаяп-ман,— деди иложи борича овозини юмшатишга тири-шиб Қўшмурод. Аммо у ҳатто қайрилиб ҳам қарамади.

— Ҳей ука, касалхонага шошаяпман,— деди яна Қўшмурод.

— Мунча «ҳейлаб» қолдингиз, кўраяпсиз-ку, банд-ман!— зарда билан деди инспектор.

— Мусулмонсиз-ку ахир, наҳот тушунмасангиз. Ма-шинада хотиним қолган. (У бегоналар олдида хотини-нинг иккиқатлигини айтишни ўзига ор деб билди.)

Аҳволи жуда чатоқ. Шуни касалхонага тезроқ обор-масам...

— Бирпас жим бўлинг-ей!— бақириб берди инспектор.— Буларнинг иши сизникидан ҳам ошиғич, туришибди-ку индамай. Керак бўлса сиз ҳам турасиз.

— Илтимос, жон ука,— энди ялиннишга тушди Қўшмурод,— жавоб бервориңг менга. Янгангиз ҳам илҳақ бўп қолди. Хув нариги совхозда ишлайман. Бирор хизмат бўлса қайтадиган — помард.

— Ҳей, ундан нарида ишласангиз ҳам жим ўтир дегандан кейин, жим ўтиравермайсизми. Нега жириллайверасиз мунча?!— Унга еб қўйгудек тикилди старшина.

— Олинглар-ей ўша ҳужжат-пужжатни, пишириб енглар!— қони қайнаб кетди Қўшмуроднинг ҳам. У шарт бурилиб кетмоқчи эди, инспектор чаптастик билан йўлини тўсди-да: «Гап шундай оғайни, бир партуқ пахта териб беринг-да, сўнг больницагами, ҳаммомгами, хоҳлаган жойингизга кетаверинг. Ҳужжатингизни ҳам қайтариб берамиз,— деди.

— Ана бориб кўринглар, хотиним зўрға ўтирибди. Худо кўрсатмасин бирор нарса бўлиб қолса борми... Жавоб беринг менга. Нима деган гап бир этак пахта, шу бугуннинг ўзида минг этак тергандирман. Агар жуда керак бўлса, қайтишда териб бераман.

— Кечирасиз-у, ҳар ким билан ади-бади айтишаверсам иш қолиб кетади. «Енгил машинадагиларни, ким бўлишидан қатъи назар, тўхтатиб, бир-бир партуқдан пахта тердиринглар», деган кўрсатма бор, райкомдан. Коммунист бўла туриб, нима ҳаққим бор партиянинг кўрсатмасини бузишга! Ким бўлибсиз, ана қаранг, қандай-қандай одамлар ҳам индамай теришяпти-ку. Ҳалиям раҳмат денг, хотинингизни тердирмаганимизга. Хув анави ерда партуқ беришади. Боринг, ачитманг каллаи!— старшина тез-тез юриб жойига борди-да, суҳбатини давом эттираверди. Қўшмуроднинг

шундай хўрлиги келиб кетди-ки... Аммо термаса бўл-маслигини сездди. Лекин Муҳаррамнинг ҳоли нима кечди экан-а? Бечора кутавериб эзилиб кетгандир. Бир бориб хабар олиб, сўнг теримга тушса-чи?

У машина томон юраётганида: «Қаёққа, қани қайтинг, кимга айтяпман?» қичқирди инспектор. «Бўпти, териб бераман дедим-ку. Хотинимдан хабар олиб қайтай. Лекин айтиб қўяй, агар унга бирор нарса бўлса, ўзларингдан ўпкаланглар...» деди Қўшмурод ва тез-тез юра кетди.

Унинг пўписаси инспекторга қаттиқ ботди. У Қўшмуродга чопачопа етиб олди-да: «Оғайни, кечирасиз-у, сиздан катталар ҳам қўрқитмоқчи бўлишган бизни! Машинага эмас, эгатга тушинг, деяпман!»— дея, жаҳл билан Қўшмуроднинг билагидан қаттиқ ушлаб тортди у. Қўли оғриди шекилли Қўшмурод бир силтаниб билагини бўшатди. Аллақандай ипирисқи шунча одамнинг олдида обрўйини ерга уриши инспекторнинг иззат нафсига тегиб кетди. У «лов» этиб ёнди-да, Қўшмуроднинг қўлига ташланиб, қайиришга тушди. Аммо кучи етмай чиранар, ўзича алланарсалар деб ғудурларди. Буни кўриб қолган сержант ёзувини ташлаб ҳамкасбига ёрдамга шошди. Улар иккалови Қўшмуроднинг қўлини қайириб, постлари томон судрай бошлашди. Қўшмурод икки букилиб қолган, оғриққа зўрға чидар ва «бўлди, бўлди», деб илтижо қиларди.

— Кўрсатиб қўямиз постдагиларга қўл кўтаришни. Уч кун подвалда сақласак тавбасига таянади...— титраб-қақшади старшина.

— Қўйинглар-ей, мен қўл-пўл кўтарганим йўқ... Оғрияпти-ку ахир. Жон укалар қўйиб юборинглар,— яна ялинишга тушди Қўшмурод.

Шу ерда беш-олти киши тўпланиб қолди. «Қўйиб юборсангизчи бечорани», деди Қўшмуродга раҳми келиб аллаким. Аммо улар ҳеч кимнинг гапига парво

қилишмасди. Охири старшина билан гаплашиб турганлардан бири — ўрта бўй, чакка сочларига оқ оралаган одам (у инспектор билан жуда қалин кўринарди) жонига ора киргач Қўшмуродни қўйиб юборишди.

— Яхшиям шу киши бор экан, йўқса кўрсатиб қўяр эдик. Бўпти, боринг, бир партуқ пахта теринг-у, йўқолинг бу ердан!— хиёл юмшагандай бўлди инспектор.

Қўшмурод Муҳаррамнинг олдига боролмаслигини сезди-да, алаmidан йиғлаб юборишига оз қолиб тупроқ эниб қолган эски бўз этакни белига боғлади-да, теримга тушиб кетди. «Ўн минутда тўлдираман-у, сўнг югураман» ўзига-ўзи далда берди у. Аммо бу ерда пахта жудаям кам эди. Хуноби ошиб, у эгатга ўтар, бунисига ўтар, асабийлашганидан бармоқлари чаноқларнинг ўткир қирраларига урилиб, тирналиб кетарди. Бунинг устига иссиқ тобора кучаяр, қилт этган шабада ҳам йўқ эди. «Муҳаррамга бирор нарса бўлиб қолмасин-да, тагин», ичи ёнарди унинг.

Этак тўлганида болалардек севишиб кетди. Терган пахтасини топшириб машина томон бораётганида ногаҳон аёл кишининг додлаганини эшитди-да, юраги орқасига тортиб, нафаси бир зум тўхтаб қолди. Кейин яшин тезлигида юра кетди. Салдан сўнг эса қулоғига чақалоқнинг йиғиси урилди.

Машина ёнида беш-олти аёл уймаланишарди. (Улар шу ерлик бўлишиб, нариги қартада пахта теришаётганди.)

— Қиз қутлуғ бўлсин,— деди Қўшмуродга пешвоз чиқиб улардан бири. Ким десак, боя ана улар сизни мажбурлаб пахтага тушираётган экан-да. Эҳ, уйнинг куйгурлар...

Шу пайт уларнинг олдида қаердандир сержант пайдо бўлди. «Ана, мушкулингизниям осонлаштирдик. Мабодо биздан ҳеч қандай ёрдам-пордам керакмасми?» хунук илжайди у. «Турқуши-ей, ёрдам-пордамнинг бошингдан қолсин!»— Шу одам қанча ялинди сенлар-

га. Нима бўларди жавоб бериб юборсаларинг. Бир этак пахта одамнинг хуни бўлибдими. Туғиб кўрмагансан-да ўзларинг...»— аёллар, уни шундай қарғай кетишдики, сержант довдираб қолди-да: «Эй, сиз аёлларга тенг кеб бўлармиди»,— деб негадир яна тиржайиб ортига қайтди.

— Раҳмат сизларга,— кўзидаги ёшни артаркан ташаккур билдирди уларга Қўшмурод ва чўнтагидан бор пулини чиқариб, «суюнчисига бу», деб аёлларга тутди. Улардан бири тўпдан ажраб чиқиб Қўшмуроднинг пулларини олиб, ичидан бир сўмликни олиб қолди-да, қолганини, «йўқ, йўқ» дейишига қарамай Қўшмуродга қайтариб берди.

— Хотинингизни аҳволи сал чатоқроқ,— деди у аллақандай ғамгин товушда.— Қони тўхтамаяпти шекилли. Ҳозироқ больницага оборинг. Мен ҳам сизлар билан бормасам бўлмайди. Болани кўтара олармиди у.

Аёл шахт билан орқа эшикни очди-да, жемперга ўралган чақалоқни олиб, олдинги ўриндиққа ўтирди: орқа ўриндиқ бутун қон бўлиб кетганди. Қўшмурод машинага кираётганида Муҳаррамга қайрилиб «Қиз муборак бўлсин», деди астагина. Хотини индамади, у билинар-билиномас инграр, ранги аввалгидан беш баттар оқариб кетганди. «Нима қилай ахир мен, шунча ҳаракат қилсам ҳам аявчилар қўйишмади...» деди у машинасини ўт олдираarkan. Енида ўтириб чақалоққа ширин-ширин гаплар айтаётган бу нотаниш, аммо шу қадар меҳрибон аёл унинг чўккан кўнглига мадад берарди. Аёл Қўшмуроднинг гапини илиб кетди-да, ичидан сўқир ўша старшинаю, сержантнинг гўрига ғишт қалади.

Қўшмурод тезликни яна пича оширди. «Ишқилиб соғ-омон бўлсин-да, бахтимизга», ўйлаб борарди у. Аммо-лекин боя бекор тўхтатибди-да, машинани, ким билади, балки қувишмасмидими-е, унинг ортидан.

Бордию, қувишганда-чи, унда Муҳаррам қўрқиб, бундан ҳам баттар бўлармиди, балки.

Машина яна равон йўлга тушиб олди. Муҳаррам ҳануз инграр, аёл эса биғиллаб йиғлаётган чақалоқни юпатиш билан банд эди.

— Бу менинг қизим, ахир ўзим доялик қилдим-да. Исмини ҳам қўйиб берсам майлими?— Қўшмуродга юзланди у чақалоқнинг йиғиси сал пасайгач.

— Майли. Майли,— қувона-қувона рози бўлди Қўшмурод.

— Сиз ҳам розимисиз келин?— ортига ўгирилди у.

— Ҳа,— деди билинар-билинемас лаблари пичирлаб Муҳаррам, аёлга меҳр билан тикиларкан.

— Бўлмаса шундай. Ҳулкар қўямиз сенинг отингни, хўпми эркатоим. Меънинг Ҳулкар деган қизим бор, ўшанга ўхшасин бу ҳам. Умри узоқ бўлсин. Бир этак фарзанд кўрсин...

— Илойим айтганингиз келсин. Болаларингизнинг бахтини кўринг,— деди унга Муҳаррам. Унинг товуши зўрға эшитиларди.

— Раҳмат келин. Сиз ҳам соғайиб кетинг...

Улар ярим соат деганда касалхонага етиб келишди. Аёл Муҳаррамнинг ёнида қолди. Қўшмурод эса оёғини қўлига олиб беморлар қабул қилинадиган бўлимга югурди. Орадан ўн-ўн беш минут ўтгач замбил кўтариб икки санитар келди-да, Муҳаррамни ичкарига олиб кетди. Сўнг чақалоқниям опкириб кетишди.

Қўшмурод ҳалиги аёл билан касалхона ҳовлисида қолди. «Нима бўларкин-а?» сўради у аёлдан. «Хавотир олманг, яхши бўлиб кетади,— далда берди у.— Бўлмаса мен қайтай. Биз ўша совхознинг учинчи бўлимида турамыз. Хўжайиним тракторчи бўлиб ишлайди. Оти — Бобораҳим. Бўлимга келиб сўрасангиз, ҳамма танийди. Бизникига келинглар, албатта келинглар»... деб аёл хайрлаша бошлади. Қўшмурод уни машинада элт-

моқчи бўлувди: «Бир иложини қилиб етиб оларман. Сиз шу ерда бўлиб туришингиз керак...» деб кўнмади у.

Қўшмурод унга қайта-қайта ташаккур билдириб, то йўлгача кузатиб, йўловчи машиналардан бирига солиб юборди. Сўнг қайтиб, соядаги бир скамейкага ўтирди. Лекин юраги ғаш бўлавергани учун туриб, ҳовлининг у бурчагидан бу бурчагига юра бошлади. Бир махал унинг фамилиясини айтиб чақирди. Уни кўзлари катта-катта, ёши ўттизларга бориб қолган нозиккина бир жувон қарши олди.

— Шу биз ўзбекларнинг бепарволиги қолмади-қолмади-да. Ҳа, билиб-кўриб туриб... Яна машинангиз ҳам бор экан.— Аччиқ-аччиқ гапира кетди Қўшмуродга аёл.— Атиги ярим соат олдин олиб келсангиз бир жойингиз камайиб қолармиди-я.

— Мен, эҳ-ҳе қачон эди йўлга чиққаним,— деди у ва бўлган воқеани айтиб берди унга.

— Пахта — ифтихоримизни, фожиага айлантириш-япти-я, айримлар,— деди ингичка лаблари асабий титраб у.— Нима қилишарди мош сизмайдиған жойга ловия тиқиб! Сиз қўйманг, топинг ўша инспекторни, судга бериш керак у аблаҳни!.. Хотинингиз жуда кўп қон йўқотган. Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз...

— Олтита боламиз бор. Қутқариб қолинг уни доктор. Нима бўлсаям сақлаб қолинг жонини. Қон керак бўлса, мана мендан олаверинглар...— илтижо қилди унга Қўшмурод.

— Ҳамма нарса етарли ўзимизда. Ҳаракат қиламиз ишкилиб. Сиз кетиб қолманг, тагин.

Қўшмуродга энди касалхонанинг шу кенг ҳовлисиам торлик қилар, юраги сиқилар, боши гўё ичига қўрғошин қуйилгандай оғирлашиб қолганди. Устига устак, тонг азонда нари-бери ичган чойидан бошқа туз тотмаганди. Аммо овқат сизармиди ҳозир кўнглига. Гар-

чанд у анча толиққан бўлса-да, ўтиришни истамасди: ухлаб қолишдан қўрқарди.

Қўшмурод уёқдан-буёққа юра бошлади. Скамейка ёнидаги нон ушоқларига талпинаётган чумчуқларни пича кузатди. Сўнг яна юрди. Ноилож дарахт соясидаги кенг скамейкага чўкди. Бошини суянчиққа қўйиши биланоқ эса, кўзлари ўз-ўзидан юмилди.

...Уни кимдир чақиргандек бўлди. Чўчиб, бошини кўтарди: олдида врач Маҳмуродова билан ёшгина ҳамшира туришарди. Қўшмурод Маҳмуродованинг кўзларидаги чуқур изтиробни пайқади-да, оёқлари бўшашиб, баданини совуқ тер босди.

— Бўлмади. Шунча уринсак ҳам сақлаб қололмадик. Агар ярим соат илгари...— Маҳмуродованинг сўнгги гаплари унинг қулоғига кирмасди энди. «Демак, ўлибди. Йўқ энди Муҳаррам. Ҳозиргина тирик эди-ку, наҳот шунчалар осон келса ўлим... Ишонмайман! Ишонмайман!»— қичқириб юборди чақмоқ урган дарахтдай бир зумда қорайиб кетган Қўшмурод...

Муҳаррамни жойига қўйганларининг иккинчи куниёқ Қўшмурод ўша япалоқ инспекторни топиб, орани очиқ қилмоқчи бўлди. Лекин уйларида ташвиш шу қадар кўп эдики, икки-уч кун ҳеч қаёққа чиқа олмади.

— Яқинда шимолдан совуқ шамол келади дейишяпти, пахтамининг эса ҳали кўпи далада,— деб қолди кечқурун уйига келган бригадир.

— Бўлмаса мен эртага теримга чиқсам-чи? — сўради ундан Қўшмурод,

— Сиз ҳали нима қиласиз чиқиб. Ҳали маъракалар бор қанча,— эътироз билдирди Ҳасанбой.— Ўзимиз бир илож қилиб амаллаштирамиз.

Аммо Қўшмурод уйда ўтира олмади: тонг азондан далага чиқди. Шу-шу ишга қоришиб кунларнинг ўтганини ҳам билмади. Икки йил олдин бева қолган, ёши элликка яқинлашган холаси (бечорага табиат



фарзанд ато қилмаганди), унинг болаларини ўз қаноти-га олди.

Орадан бир ҳафтача ўтиб, ишлари бир оз енгиллашгач, Қўшмурод машинасини миниб тўғри ўша «постга» борди. Лекин энди у ерда ҳеч нарса йўқ эди. У йўлнинг бошқа участкаларини ҳам кўриб чиқди, лекин бу ерларда ҳам ҳеч қандай постни учратмади: ўша постни ер ютиб юборганди гўё. Қўшмурод ҳеч нарсага тушунмай район автоинспекциясига бориб, бўлган воқеани айтиб берди.

— Жуда хунук иш бўлибди-да,— хайрихоҳлик билдиришди унга.— Лекин энди ўша инспекторни топиб бўлмаса керагов.

— Нега?— таажжубланди Қўшмурод.

— Ушанда, сизнинг ҳам хабарингиз бордир, районимизга роса кўп ҳашарчи келди — Тошкентдан, бошқа жойлардан. Ишқилиб, колонна кетидан колонна. Бизда эса одам кам, шу сабаб деярли кўп жойлардан инспекторларни кўмакка юборишувди. Бундай тиқилинчда кимнинг қаерда тургани расмийлаштирилади дейсизми, ундан кейин ўзингиз ҳам на исмини биларкансиз унинг, на фамилиясини...— дудмол жавоб қилишди унга.

Қўшмурод бўшашиб эшикка чиқаётганида: «Сиз бир райкомга учраб кўринг-чи, зора улар ёрдам беришса», деб маслаҳат солди аллаким. Ва у эртасигаёқ боришга аҳд қилди. Лекин яна иши кўпайиб, эртасигаям, индинигаям боролмади. Кейин уларнинг совхозига совуқ оқим бостириб келди. Фарбдан қаттиқ шамол эсиб, шишадай артилган осмонни оғир, қоп-қора булутлар қоплади. Сўнг шатур-шутур ёмғир қуя бошлади. Кўлоблаб қуюлаётган лойқа сувдан беҳисоб ариқчалар ҳосил бўлди. Ғўзалар то ярим белигача сувда қолиб кетди, лўппи пахталар кир-чир увадага айланди.

Бундай пайтларда терим ўз-ўзидан тўхтайдн. Муҳаррамнинг қирқн шу кунларга тўғри келди. Уйлари-

да тонг азонда бошланган йиғи, айниқса болаларининг «энажоним»и отанинг юрак-бағрини эзиб юборди. Қўшмурод эртасига эрталаб райкомга томон машина солди.

Район марказидаги тўрт қаватли, ташига мрамар қопланган бу бинонинг олдидан у кўп марта ўтган, лекин ичига ҳеч кирмаган эди.

Мақсумовнинг кабинети учинчи қаватда эди. Қўшмурод тепасига тилларанг ҳарфлар билан «Қабулхона» деб ёзилган эшик ёнида юраги дук-дук уриб тўхтади, пича нафасини ростлаб, Раҳим Эгамовичга айтдиган гапларини ичида яна бир бор пишитиб олди. Сўнг секин эшикни чертди. Ҳеч ким жавоб бермагач, эшикни қия очиб қараса — чоғликкина хонада Раҳим Эгамович эмас, ёш бир қиз ўтирибди. Наҳотки адашган бўлса? «Мақсумов шу ерда ишлайдими?» деб сўради. «Ҳа», деди қиз совуққина қилиб ва яна бошини эгиб ўтираверди. (У аллақандай китоб ўқирди.)

Қўшмурод атрофга яна бир-бир назар солиб чиқди ва қизга юзланди: «Синглим, кирсам майлими?»

— Нима?— котиба китобдан оғринибгина бошини кўтарди ва:— Войбўй, этигингизнинг лойини. Оёқ кийим ювадиган махсус жой қилиб қўйибмиз-ку пастда!— жаврай қетди қиз.

— Кечирасиз синглим, шошилиб денг,— хижолатдан қизариб кетди Қўшмурод. «Мен ҳозир, деб коридорга чиқа бошлади-ю, бир нарса эсига тушгандай, «Раҳим ака шу ердами ўзи?»— деб сўради котибадан.

— Ҳа, лекин у киши ҳозир...

Қўшмурод эса котибанинг гапини охиригача эшитмади, асосийсини билиб олди: «Мақсумов шу ерда экан!» У зиналардан тез-тез юриб тушди-да, котиба айтган ўша махсус жойни топиб, этигини обдан тозалади ва тепага яна қайта кўтарилиб, қизга юзланди:

— Энди кирсам майлими?

— Айтдим-ку, Раҳим Эгамович бандлар деб. Областан одам келган. Сиз умуман қандай масала юза-

сидан?— энди котибанинг товушида расмийлик оҳанги бор эди. «Қайси масала десам маъқул келаркин-а», ўйланиб қолди у охири ва: «Жудаям муҳим масала юзасидан», деди.

— Бу ерга номуҳим иш билан ҳеч ким келмайди. Қўтариб келган масалангизнинг оти бордир ахир?— жиғибийрони чиқа бошлади котибанинг.

Шу пайт эшик очилиб, чарм пальтоли, чарм соя-бонли, қотмадан келган одам билан бирга Мақсумов чиқди. Унинг эғнида ўша, Қўшмуродларнинг даласига боргандаги қорамтир костюм, бўйнида ўша йўл-йўл галстук эди. Чарм пальтоли унга нимадир уқтирар, Мақсумов эса бошини сарак-сарак қилиб, унинг гапини маъқулларди шекилли.

Қўшмурод нима қиларини билмай, довдираб қолди. Ногаҳон Мақсумовнинг кўзи унга тушди ва у Қўшмуроднинг саломига бош қимирлатиб, қуруққина алик олди-да, яна меҳмон билан андармон бўлакетди.

— Раҳим Эгамович,— Мақсумовга юзланди котиба,— манаву кишининг сизда иши бор экан.

— Ҳозир, мен Баҳодир Икромовични кузатиб келай,— деди Мақсумов ва меҳмон иккиси чиқиб кетишди.

— Утиринг, ана стуллар бор-ку,— деди котиба ҳамон серрайиб турган Қўшмуродга. Қўшмурод бориб ўтирди. «Таниди шекилли. Мен, рости, таниёлмайди деб ўйлабман-а. Хотираси зўр экан», ўйларди Қўшмурод.

Ниҳоят Мақсумов қайтиб келди. Аммо негадир энди унинг қовоқ тумшуғи осилган, юзи қизариб кетганди. Котиба билан Қўшмурод уни кўришлари биланоқ, жойларидан ирғиб туришди.

Мақсумов Қўшмуродга бошдан-оёқ хўмрайиб бир разм солди-да, котиба томон бурилиб: «Бу қабул соатларини қачонлигини тушунтирсангиз бўлмайдимиз одамларга!»— деб қаттиқ-қуруқ гапирди унга.

— Мен, мен,— бир зум шошиб қолди котиба, аммо дарров ўзини қўлга олди-да:— эшикка ёзиб қўйилгану,

лекин одамларга ҳайронман, ҳатто ўқишгаям эринишади-ей.— Сўнг Қўшмуродга бир ўқрайди-да,— боя сизга ҳам тушунтирувдим-ку ҳаммасини,— деди зарда билан.

«Роса жиззаки экан», ўйлади Қўшмурод, котиба боя нимани тушунтирганига ҳеч ақли етмай.

— Қабул эндиги ҳафта сешанба кунини. Соат тўққиздан ўн учгача,— бурро-бурро қилиб деди котиба охири Қўшмуродга.

Қўшмуроднинг тасавурида қабул соатларида катталар фақат давлат ишлари билан боғлиқ масалалар билан шуғулланишарди. «Менинг масалам эса мутлақо бошқа-ку, ахир. Йўқ, Мақсумов танимабди, таниганида бундай соат талашмасди. Қизиқ, боя назарида танигандай туюлувди-ю. Балки кайфияти бузилгани учун шундай қиляптимикин-а?» яна ўйлай кетди Қўшмурод. Мақсумов эса «гап тамом» дегандек; эшикнинг тутқичига қўлини узатмоқчи бўлганида, Қўшмурод:

— Кечирасиз Раҳим... Эгамович («вич» қўшиб у ҳали ҳеч кимга ҳеч қачон мурожаат қилмаганди, «вич» ўзига аллақандай сунъий туюлиб кетди шекилли, шолғомдай қизарди) менинг ишим қабулга боғлиқ эмас. Бошқа масала меники.

— Нима? — қошини киндор чимирди Мақсумов. — Қанақа иш? Қаерда ишлайсиз ўзи?

— Механизатор бўлиб ишлайман. «Ўзбекистон» — совхозида. Мени танимадингиз-а, эсингиздами, даламизга келувдингиз...

— Мен кунига ўйлаб жойда бўлсам, — унинг сўзини кесди Мақсумов, — қай бир одамни эслай. Сизлар мингта, мен эса битта. Қани гапиринг ўша ишингизни, вақтим зиқ.

— Хонанингизда айтсам,— илтижо қилди Қўшмурод.

— Каримни топинг, ҳозир пахта заводига борамиз, машинанинг уёқ-буёғини кўриб турсин, — деди у коти-

ба қизга ва гўёки Қўшмуроднинг гапини эшитмагандай кабинетга кира бошлади. Қўшмурод ҳам унинг ортидан эргашди. Мақсумов ҳамон гапирмас, ҳамон қовоғидан қор ёғарди.

Қўшмурод хонанинг бу қадар кенглигидан ҳайратга тушди. Бу ердаги стол-стуллар, оёқ остидаги гилам шу қадар антиқа эдики. Мақсумов ўнгдаги шкафнинг эшигини зарб билан очди-да, у ердан жундор шарфини олиб бўйнига боғлади, сўнг ҳамма раҳбарларга расм бўлиб қолган «дипломат» пальтосини кийиб, мўйна телпагини олди ва чап қўлини унинг ичига тиқиб, телпаkning хурпайган юнларини ўнг қўли билан оҳиста, худди мушукнинг боласини силаётгандай силай кетди.

Қўшмурод унинг бу юмушига эътибор бермаслик учун яна атрофга боқди. Чап томондаги катта жавонда Лениннинг китоблари қатор қилиб териб қўйилган, бурчакда баҳайбат темир сандиқ, ёнида қизил матоси ёғоч дастасига ўралган байроқ тикка турғизиб қўйилган. Столда бир неча телефон: бири қора, бири кўк. Лениннинг каттакон портрети. Деразадаги дарпарда эса... Қўшмурод ҳали бунақанги пардани ҳеч кўрмаганди.

— Гапиринг! Фақат қисқа қилиб, — деди Мақсумов кўзини телпагидан узмай. Қўшмурод гапни нимадан бошлашини, кейин нималарни айтишини боягина ичида хўп пишитган, ҳатто тахминий саволларга жавоблар ҳам топиб қўйган эса-да, ҳозир фикрини бир жойга йиғолмай, боши ғовлаб кетаётганди.

— Мунча имиллайсиз-а! — тоқати тоқ бўлди Мақсумовнинг.

Қўшмурод охири тутила-тутила бор гапни тўкиб солди ва ўша инспекторни жазолаш кераклигини сўради.

— Топишга ҳаракат қиламиз уни. Жазолаймиз ҳам қилмишига яраша. Кейинроқ бир хабар олинг, — деди Мақсумов кабинетдан чиқишга тараддудланиб. Қўшмурод уни ўтказиб юбориб, сўнг ўзи чиқди.

— Мен кечга яқин қайтаман,— деди Мақсумов котибага ва чиқиб кетди.

— Энди қачон келай? — ҳар эҳтимолга қарши сўради Қўшмурод котибадан, ҳаракатлари зое кетмаганидан руҳи кўтарилиб.

— Айтмадиларми ўзлари? Унда сешанба куни, соат тўққизда келинг.

Аммо уни сешанба куни ҳам, бошқа қабул вақтларида ҳам негадир қабул қилишмади. Қўшмурод тушунолмади, гаранг бўлиб юрди.

Шу орада Хулкар шамоллаб қолиб, докторма-доктор югуриб анча овора бўлди Қўшмурод. Бир куни дорихонага бораётганида у Маҳмудовани учратиб қолди. У қуюққина сўрашди, Хулкарнинг соғлиги билан қизиқди. «Айтмоқчи, — сўради хайрлаша туриб, — ҳалиги автоинспектор нима бўлди? Уни зинҳор шундай қўймаслик керак. Кеча сизга бундай қилди, эртага яна бошқа бир бечоранинг умрига завола бўлиши ҳеч гап эмас».

— Райкомга борувдим, топиб жазолашга ваъда беришувди. Лекин шу-шу жимиб кетди. Яна икки-уч боргандим, ҳеч қабул қилишмаяпти. Сабабиниям айтишмайди мундай, — ёрилди унга Қўшмурод.

— Лекин сиз яна боринг. Керак бўлса дўхтирдан ҳам қоғоз олганман, деб айтаверинг, ўзим ёзиб берман. Тихирлик қилаверишса, Москвагаям бораман, денг. Ишқилиб бўш келманг. Балки адашаётгандирман-у, лекин у ердагиларнинг ҳам инспекторга ён боши ҳеч гап эмас.

Шундан сўнг Қўшмурод яна райкомга борди. Бу гал — қабулга турганлар камроқ эди. Беш кишидан сўнг ниҳоят навбат Қўшмуродга келганида, котиба қиз: «Қабул тамом», деб уни тўхтатди.

Қўшмуроддан кейин яна икки киши — ўрта бўй, сочига оқ оралаган эркак ва бир ўзи нариги четда ўтирган, рўмолли жувон қолганди.

— Нега энди, ахир қабул соат биргача деб ёзилган-ку, ҳали эса ўн иккиям бўлгани йўқ-ку, — порозилик билдирди котибага ҳалиги эркак. У эса индамай, машинкасини чиқиллатиб, алланималарни ёза бошлади.

«Наҳотки энди қабул масаласини мана шу читтакча ҳал қилса», туриб-туриб алам қилиб кетди Қўшмуродга ва у: «Э, нима бўлса бўлсин», деб шартта кабинет эшигига йўналди:

— Ҳей амаки, — қути ўчиб, жойидан ирғиб турди котиба. — Қаёққа? Қаёққа? Қайтинг орқага! Кимга айт-ялман?!

Аммо Қўшмурод унга парво ҳам қилмай, эшикни очди-да, Мақсумовнинг кабинетига кирди. Котиба қизнинг «ҳай-ҳайлаши»ни Раҳим Эгамович ҳам эшитганди, албатта.

Мақсумов, нимадир ёзарди шекилли, жойидан туриб кетди.

— Салом алайкум, — деди Қўшмурод бир-икки қадам босгач.

— Нима, сизга айтишмадимиз қабулнинг тугаганини? Мунча сурбет бўлиб кетишган-ей, бу одамлар. Чикинг! — деди Мақсумов унга ғалати қараб.

Қўшмурод: «Ҳақиқатан ҳам қабул тамом бўлган экан-да. Мен бўлсам...» ўйлади хижолат тортиб ва олдинга Мақсумовдан узр сўраб чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин бирдан Маҳмудованинг: «Балки райкомдагилар ҳам ўшанга ён босишлари мумкин. Сиз бўш келманг», дегани ёдига келди. «Наҳотки шу рост бўлса-я. Йўғ-е, ахир қаердан танийди ўша инспекторни Мақсумов. Қизиқ, унда нега ҳар сафар унга навбат келганида қабул ўз-ўзидан тугайверади, ё Мақсумов бирор нарсани баҳона қилиб қабулни қолдиради? Ким билади...»

— Ўзи ҳеч гапга тушунмайдиган одам экансиз, ёқангиздан судраб чиқарайми ё?! — жеркиб-силтаб гапирди Мақсумов.

— Рости, Раҳим ака, мен ҳам чарчадим бу ерга зир югуравериб. Бу — тўртинчи келишим. Бўлмаса, тўғриси айтинглари қўйинглари, нима кераги бор сарсон қилаверишининг. Агар қўлларингиздан келмаса, Москвага хат кўтариб бораман, дўхтирдан олиб қўйган қоғоз билан қўшиб, — жини қўзий бошлади Қўшмуроднинг ҳам.

— Ундан нарига бормайсизми! Ўзи районимизда сизга ўхшаган яна битта шикоятчи етмай турувди. Ҳе, мабодо ўша инспекторни топиб, жазоласак, ўлган одам тириларидами? Кейин, унинг гуноҳиям йўқ ҳеч қандай, ахир у хотинингизни эмас, сизни пахтага туширганку.

«Гуноҳи йўқ эмиш. Наҳотки ростдан ҳам тили битта бўлса-я буларнинг», ўз фикридан ўзи чўчиб тушди Қўшмурод.

Мақсумов гапини давом эттирди:

— Терим вақтида шахсий машиналарда юришга рухсат берилмаганидан хабарингиз йўқмиди? Сиз теримнинг энг масъулиятли участкасида ишлайсиз — механизаторсиз, шундай бўла туриб, нега ўшанда, иш энг қайноқ маҳалда ишни ташлаб кетгансиз? — қарши ҳужумга ўта бошлади у, гўё мана ҳозир очилиб кетадиган махфий бир сирини жон талвасасида асраб қолишга урингандай.

— Ахир, мен атайлаб эмас-ку, ахир мен хотинимни касалхонага обориш учун... — чайнала бошлади Қўшмурод ҳужумга дош беролмай. Мақсумов эса мўлжали нишонга аниқ текканини сезиб, ҳужумини янада кучайтиришга аҳд қилди:

— Касалхонага элтадиган «Тез ёрдам» қуриб кетган экан-да?

— «Тез ёрдам» қаерда дейсиз далада, — энди синиқ бир товушда эътироз билдирди Қўшмурод.

— Номаъқулнинг нонини ебсиз шу гапингизга! «Йўқ» эмиш! Ҳамма нарса бор бизда, радио ҳам, свет ҳам, телевизору телефон ҳам... Лекин инсоф йўқ,



виждон йўқ, масъулият йўқ! Агар виждонингиз бўлганида арзимаган баҳона деб ишингизни ташлаб кетардингизми?! Терим фронт-ку, ахир. Фронтни ташлаб кетганларни биласизми нима қилишган илгари — отишган!.. Пахта теримиям фронт. Яна шундай катта фронтки у! Аммо менга айтинг-чи, қайси фронт қурбонсиз бўлганки, буниси қурбонсиз бўлса. Унда фронтлиги қаерда қолади унинг? Бугун ўша фронтда сизнинг одамингиз қурбон бўлибди, эртага бошқа одам талафот кўриши мумкин...— Мақсумов ўз суханига ўзи шу қадар маҳлиё бўлиб кетдики, фикрлари чалкашиб кетаётганини ва қош қўяман деб кўз чиқарганини сезмай ҳам қолди. Унинг охириги гапи Қўшмуродга ханжардек санчилди-ю, «шув» этиб миясига қон югурди.

— Фронт?! Нега бўлмаса ана шу фронтда сенинг хотининг эмас, сенга ўхшаганларнинг хотинлари эмас-у, бизларнинг хотинларимиз қурбон бўлиши керак? Партиянинг ишонган тоғи бўлсанг айт?!

Новча, чорпаҳил, қиррабурун, одмигина бу одам табиатан оғир бўлиб, унинг мувозанатини бузиш осон эмасди, аммо-лекин мувозанати бир бузилса тамом! Қўшмурод тизгинини бутунлай йўқотарди-қўярди. Мана ҳозир ҳам... У ғазабдан дир-дир титраб, пишқирар, Мақсумовни болаҳонадор қилиб сўкарди. Кабинет ғала-ғовур бўлиб кетди. Котиба қиз нимадир деб қичқирди. Аллақасердан пайдо бўлган милиционерлар Қўшмуродни машинага босиб олиб кетишди. Кейин суд қилишди ва «безорилик қилгани учун» деб тўрт йилга кесишди.

...Боласи ўлганнинг бағри, хотини ўлганнинг хонасп куяди, дейишади. Қўшмуроднинг эса бағри ҳам куйди, хонасиям. Болалари кўчада чирқиллаб қолаверишди, уларга ҳеч кимнинг раҳми келмади.

Мана энди ботган кунларининг тонги отди!

Қўшмурод уйига кириб борганида болалари ҳали уйқуда бўлишади, албатта. Уйғонишгач, эса, кўзларига

ишонинмай ҳайрон қолишлари турган гап. Узгариб кетишган бўлса керак улар роса. Тўнғичи йигитча бўлгандир ҳойнаҳой: саккизинчида ўқияпти-да, ахир бу йил. Уртанчасининг эса бўйи акасиникидан ҳам дароз бўлгандир, ўзи новча эди у. Кенжатоининг тили ширин бўлиб қолгандир. Қизиқ, у қандай кутиб олар экан-а, отасини? Олдиниға бегонасираши аниқ...

Ўзиям унча-мунча қийналишмаган бўлса керак шўрликлар: на она бор, на ота. Қариндош-уруғ дунёнинг у бурчида бўлса (Қўшмурод ва Муҳаррамларнинг қишлоғи Пахтачида бўлиб, улар турмуш қурганларидан бир йилдан сўнг чўлга кўчиб ўтишганди.) Яхшиям холаси бор экан. Ҳасанбойгаям минг раҳмат, ишқилиб қўлидан келгунча ёрдамлашди уларга. Ула-ўлгунича шуутмайди уни Қўшмурод.

У вокзалдан то катта йўлгача йўловчи машинада борди, уёғига машина кутиб ўтиришга сабри чидамай (ўзи жуда кам бўларди у томонга машина), сафар халтасини елкасига осди-да, пиёда юриб кетди. Атроф ғира-шира ёруғ, тонгги изғирин юзни ялаб ўтарди. Қўшмурод телпагини бостириб, фуфайкасининг ёқасини кўтариб олди-да, қадамини янада тезлатди.

У уйига кеча чамалаганидек эрталаб эмас, тушга яқин етиб келди. Кўчалари сув сепилгандай жимжит эди. Бу вақтда ким ўтирарди уйда, далада бўлса керак-да ҳамма.

Мана, уйи ҳам кўринди! Дарвоза қия очик эди. Юраги ҳаприқиб ҳовлига кирди-да, эшикни ҳаяжонлана-ҳаяжонлана итарди. Эшик очилмагач, хийла қаттиқроқ итарди. Лекин у бу гал ҳам очилмади. Шунда кўзи эшикдаги эски қулфга тушиб, негадир юраги алланечук бўлиб кетди, мнясига тақ этиб қандайдир нохуш нарса урилгандай бўлди. «Нима бўлиши мумкин... Болалар мактабда, холам билан Хулкар қаергадир чиққандир, кунин билан уйда ўтиришмайди-ку, ахир. Унда нега эшик қулф? Қизиқ, нима, очик ташлаб ке

тишсинми бўлмаса? Аммо ҳар гал эшикка эмас, дарвозага қулф осиларди-ку?.. Йўғ-е, мумкин эмас бирор нарса бўлиши.

У эшик олдида яна пича қаққайиб турди, сўнг сафар халтасини елкасидан туширди-да, остонага қўйиб, ҳовли атрофини айлана бошлади.

Илгарилари чўлдаги бу кичкина посёлкачанинг деярли ҳамма яшовчилари ҳавас қиладиган ҳовлилари ҳозир ташландиқ бир жойга ўхшаб ҳувиллаб ётарди. Четдаги икки дарахт қуриб қолган, айрим жойларни ёввойи ўт-ўланлар қоплаганди. Қарийб вайронага айланган тандирхонага ахлат уюмлари ва яна алламбалолар қалаштириб ташланган эди. Доимо икки-учта қўй-қўзи сақланадиган офилхонаям қулай-қулай деб турарди. Иморат ҳам бир аҳволда эканини боя сезмаган экан: деворлар нураган, сувоқлар кўчиб тушганди. Эркак киши бўлмаганидан кейин шу эканда. Ҳечқиси йўқ: асосийси болалари соғ-омон юришса бўлгани, бу ишлар эса нима бўлибди Қўшмуродга.

Қўшмурод яна эшик олдида келди ва кўзи қулфга тушиб, юраги орқасига тортиб кетди. «Нима бўлиши мумкин. Ахир яқиндагина хат олувдим. Ҳаммаси яхши дейишганди-ю», ўзини-ўзи юпата бошлади у. Охири чидолмай, ён қўшнилари — Турсунбойларникига боришга аҳд қилди. Балки ўша ердадир холаси. Бўлмаган тақдирдаям билишар қаердалигини.

Эшикни чертувди, нотаниш бир аёл чиқди. Қўшмурод уни Турсунбойларникида илгари бирор мартаям кўрмаганди. «Балки меҳмондир», ўйлади у ва «Турсунбой шу ердами?» деб сўради ундан.

— Арнасойга кўчиб кетишган улар,— деди аёл Қўшмуродга бошдан-оёқ бир разм солиб чиққач.— Энди биз турамиз бу уйда. Нариги қўшнилари нмизми? Улар ҳам кўчиб кетишди. Пахтачига. Анча қийналишди, бояқишлар, осонми ахир чўлда эркаксиз яшаш.

Бунинг устига қизлари Хулкар ўлиб қолиб... Ҳе, бир ам чиройли қиз эдики, у, ҳамманинг...

— Ким айтди сизга? Нега ўлади у, ахир ҳеч ким ёзмовди-ку менга?!— ранги қув оқариб, кўзлари аллақандай бежо бўлиб қолди Қўшмуроднинг ва у худди биров қуваётгандай эшикдан отилиб чиқди.

...Муҳаррамнинг қабри ёнидаги кичкина дўнгликка Қўшмуроднинг кўзи тушди-ю, шердай ўкириб ўзини гоҳ у-гоҳ бу қабрга ура бошлади.

«Ўзим айбдорман барига! Нега тўхтатдим-а ўшанда машинани?! Нима кераги бор эди мен аҳмоққа Мақсумов билан олишишнинг? Ҳеч бўлмаганда сени асраб қолган бўлардим-а, жоним болам...» юрак-бағри эзиларди Қўшмуроднинг.

«Йўқ. Сенинг ҳеч қандай айбинг йўқ бу ерда. Агар тўхтатмаганингда, бари бир тўхтатишарди, бари бир пахтага туширишарди. Уша бир этак деб эса... Мақсумов-чи. Олишувга сен эмас, ўша сабабчи. Хотинингнинг қотилларини топиб жазолаш ўрнига итдан олиб итга солди-ку сени у. Ҳақиқатни тиклаш ўрнига сени қаматди, ҳатто гўдакларинггаям раҳми келмади-я. Хотинингдан ҳам жудо қилган ўша, «енгил машиналарни тўхтатиб, одамни пахтага туширинглар», деб шу Мақсумов буйруқ берган эмасмиди... Мана, Хулкар ҳам шунинг касофатидан нобуд бўлди. Муҳаррам учун, Хулкар учун қасос олишинг керак ўша иблисдан...

Бораман! Шу бугуноқ топаман уни. Ичагини салла қилмасам ўша ифлоснинг! Кўрсатиб қўяман унга ҳақиқий фронтни! Кабинетида бўлмаса уйдан топаман, уйдан эмас, ернинг остидан бўлсаям топаман! Ана шундан кейин отишса отиб юбораверишсин мени! Мушталарини асабий тугиб, тишларини ғижирлатди Қўшмурод.

Нариги ёқдан ўркачи чайқала-чайқала келаётган самосвал Қўшмурод қўл кўтаргач, ғийқиллаб тўхтади.

— Марказга обормайсизми?— сўради у ҳайдовчидан.

— Чиқинг. Худди ўша ерга кетяпман ўзи,— деди аллақандай меҳрибонлик билан у.

— Раҳмат,— деди Қўшмурод кабинага ўтиргач.

— Сиз шу совхозда турасизми?— сўради ундан ҳайдовчи.

— Йўқ, наригисида,— қандайдир синиқ товушда жавоб берди унга Қўшмурод.

— Эшитганим бор, зўр совхоз лекин у. Ишқилиб уни ҳамма мақташади. Бир районга чиқай депсиз-да. Ҳа, яхши. Зерикиб кетаётувдим ўзи. Якка юришни ҳеч жиним ёқтирмайди,— жағи-жағига тегмай гапира кетди ҳайдовчи.— Йўлга чиққанимда доимо ёнимда биров бўлса дейман. Қизиқ-қизиқ ҳангомалардан олса, ёнига мен ҳам беш-олтитасини қистирсам, манзилга қандай етганимизни у ҳам сезмай қолади, мен ҳам...

Қўшмурод эса унинг гапига эътибор бермас, у ўз ёнига ўзи қовриларди.

Андак юришгач, мотор узун-юлуқ тариллади-ю, сўнг бирдан ўчиб қолди. Ҳайдовчи уни қайта ўт олдириш учун анча овора бўлди.

— Жонимга тегди шу шалақ арава,— энди машинасининг устидан нолий кетди у.— Бир кун юрса, уч кун ремонтда туради. Яқинда янгисини беришади. Оз қолди. Ўзи бундан олти-етти йил бурун алмаштириш керак эди уни. Аммо бошлиқ нима деди денг: «Йигитчасига гаплашайлик, беш юз қўқон чўзсанг, эртасигаёқ яп-янги машинали бўласан...» Уч юз дедим кўнмади падари қусур. Аммо эски мошинда юравериш ҳам жонга текканди. Охири бошлиқнинг олдига яна кирдим-у: «Қўлни ташланг, уч юзу эллик!» десам, афтимга бир тиржайиб қаради-да: «Беш юз қўқон. Бир тийин ҳам кам бўлмайди», деди. Мен жоним чиқиб: «Нима, отангизнинг мошиними у, сотмоқчи бўласиз», дедим. «Ҳа, отамники. Нима, устимдан ёзмоқчимисан. Бемалол

ёзавер. Лекин айтиб қўяй: охири ўзингга ёмон бўлади», деди у пинагини ҳам бузмай.

— Ёздингизми? — қизиқди охири Қўшмурод.

— Ёзишга-ку ёзмадим. Лекин тепага бир-икки арз қилиб бордим. Уни қаранг, бошлиқ ҳақ бўлиб чиқди, чиндан ҳам ўзимга ёмон бўлди, «шикоятчи» деган ном орттирдим. Кейинчалик билсам, тспадагилар билан тили бир экан унинг. Шу эски аравамниям опқўйишмасин тагин деб, дамим ичимга тушиб, мусичаю беозор бўлиб юравердим. Лекин денг: «ҳақиқат эгилади-ю, синмайди», деганлари рост экан. Мен аҳмоқ бўлса ўшанда, энди ишонмайман ҳақиқат-пақиқатига, газетаю радиоларда бўларкан у, холос деб қўлимни ювиб қўлтигимга урувдим-а. Ҳа, ҳақиқат бари бир қарор топаркан бир кун. Яқинда бутун автопаркимиз остинустун бўлиб, бизнинг кўкрагимизгаям шамол тегиб қолди. Энди машина олиш учун ҳеч кимга қўқон-мўқон бериш шарт эмас. Энди навбат билан олаверамиз. Яқинда менинг навбатим ҳам келади. Бошлигимизни эса ҳеч қанақа навбатсиз курортга жўнатдик яқинда.

— Қаерга?— сўради Қўшмурод тушунмай.

— Э, қаерга бўларди— қамоққа-да. Кунини кеча амакисиниям опкетишди ўша ерга, Мақсумовни.

— Қайси Мақсумовни? — ҳовлиқди Қўшмурод.

— Райкомни-да. Э, порахўр, эканки, ўзиям, кейин денг, давлатиниям кемирган экан-ей, каламушдай...

— Тўхтатинг!— деб бақирди ҳайдовчига тўсатдан Қўшмурод.

— Ие, келганимиз йўқ-ку, ҳали,— деди ҳайдовчи, гарчи аллақачон тормоз педалини босган бўлса-да. У Қўшмурод томон ўгирилди-ю, ажабланиб, унга тикилиб қолди: боягина юзида чуқур бир ғам қалқиб турган бу одамнинг кўзларидан нур ёғиларди ҳозир.

— Раҳмат сизга огайни,— деди у ҳайдовчининг қўлини маҳкам сиқиб.— Минг раҳмат сизга. Сиз менга ҳозир шундай катта яхшилиқ қилдингизки...

## БИР УЧ ХОТИМАСИ

Ҳадсиз саҳро. Қум барханлари қаровсиз қолган қабрларга ўхшайди.

Кўзларида ғазаб ва даҳшатли қўрқув аломати акс эттирилган мана бу лашкарлар уни роса қийнашади, кейин қилич билан бурдалаб ташлашади. Широқ буни билади. Аммо у бари бир бахтиёр — чунки элига ёвуз ният билан келган Эрон лашкарларини адаштириб, очлик ва сувсизлик тузогига илиштирди...

Рассом Жамшид Бобоевнинг «Широқ афсонаси» деб аталмиш бу картинасида ватандошимиз Широқнинг жасорати, она юртга бўлган меҳри юксак маҳорат билан акс эттирилганди.

Умуман, «Зафар» кинотеатрида очилган Бобоев ишлари кўрғазмасидаги кўпчилик асарлар тарихий мавзуларга бағишланган бўлиб, рассом ўтмиш воқеаларини жонлантиришда кўп меҳнат қилгани, излангани сезилиб турарди.

Бу — рассом ишларининг биринчи кўрғазмаси бўлиб, мен у ҳақда журналимизга материал ёзишим керак эди. Бобоев билан суҳбатлашишга аҳд қилдим. Уни Рассомлар союзидан тополмадим, уйига телефон қилгандим: «Районга кетган, эртага келиб қолса керак», деди рафиқаси.

Бобоев индинига келди. У ориқ, узун бўйли, худди енгил атлетикачиларга ўхшарди. Кўнгли ниҳоятда очиқ йигит экан. Биз анча суҳбатлашдик.

— Сиз учун қайси бир асарингиз энг яқин?— сўрадим бир пайт ундан. Жамшид саволга жавоб бериш ўрнига мендан кечирим сўраб, қўшни хонага чиқди ва бир зумда қайтиб келди.

— Мана шу энг муқаддас,— деди у, менга оддий дафтар варағига битилган ғайритабiiй расмни узатаркан. Унда калласи нокка монанд, шалпангқулоқ, бурни катта ва бесўнақай киши тасвир этилган бўлиб,

расм худди «Муштум»да чиқадиган карикатураларга ўхшарди. У сарғайиб кетган, остига «Шафтолиқоқ» М. К. «Оратор чизган сурат», деб ёзилганди.

Мен ҳеч нарсага тушунмадим. «Қизиқ, бунинг нимаси муқаддас экан?»

— Биладан, таажжубланыпсиз,— гапира кетди Бобоев.— Бу расм чиндан ҳам мен учун жуда қадрли. Агар шу бўлмаганида, балки мендан рассом ҳам чиқмасди.

— Қандай? Нега энди?— савол бердим мен уст-ма-уст.

— Бунинг тарихи узоқ. Истасангиз айтиб берман,— Бобоев розилигимни ҳам кутмай сўзлай кетди:— Уни ўн икки йил илгари чизганман. Ушанда тўққизинчи синфда ўқирдик. Синфимиз мактабда энг оғир синфлардан бири ҳисобланар, муаллимларнинг бизга дарс ўтишдан юраклари безилларди.

Бир куни мактабимизга Мажид Каримов деган янги ўқитувчи келди. Уни бизга синф раҳбари этиб тайинлашди. Тарихдан дарс берувчи бу ўқитувчи ниҳоятда ориқ, бурнининг остидаги қўнғиз мўйлаби ўзига асло ярашмаган киши бўлиб, негадир гапирганида ингичка бўйни билан калласи ҳамиша ликиллаб турарди.

Мен унга «Шафтолиқоқ» деб лақаб қўйдим. У ҳаммамизни сизлар, ҳеч кимга қаттиқ гапирмас, унинг ҳаракатлари, сўзлари бошқа муаллимларникидан кескин фарқ қилар, очиги — кулгимизни қистатарди.

Каримов бир куни мендан ўтилган мавзуни сўраб қолди. Афсуски, ўша куни дарсга тайёрланмаган эдим. Хотирамни ишга солиб, ўтган гал тушунтирганларидан ёдимда қолганини гапира кетдим. Бор билимим икки-уч минутга етди холос.

— Қани, қани давом эттиринг,— орадаги жимликни бузди Каримов.

Энди нимани айтсам экан? Тўсатдан миямга бир



фикр келди: «Раҳматилланинг усулини қўлайман!» Охирги партада ўтирадиган Раҳматилла Мансуров кўпинча дарсларга тайёргарлик кўрмаса-да, камданкам «икки» оларди. У ўтилган дарсдан икки оғиз сўз билса бас, ўшани турли оҳангларга солиб қайтараверади. Баъзан, мавзуга умуман алоқаси бўлмаган нарсаларни ҳам усталик билан қистириб юборади.

Мен ҳам шундай қилдим, тарихдан нима билсам, бир четдан гапир кетдим. Қаримов эса эътироз билдириш ўрнига: «Жуда соз, давом эттираверинг», дерди. У болаларнинг кулгисига мутлақо парво қилмасди. «Қулоғи яхши эшитмаса керак», ўйладим мен, чунки нима гапирсам-да, маъқуллайверади.

Орадан ўн минутча ўтди. Қаримов мени «синаш»ни давом эттираверди. Мен ҳам бўш келмадим, магазинга антиқа туфли келганини, кеча кинога борганимизни ва яна алланарсаларни айтдим. Синфда «гурр» этиб кулги кўтарилар, Қаримов эса бари бир пинагини бузмасди. Гапиравериб роса чарчадим, лабларим қуруқшаб, тилим танглаймга ёпишиб қолгандай эди гўёки. Ўзиям қўнғироқ чалингунича гапирдим.

— Яхши. Ўтиринг. Баҳонгиз «бир!»— деди у тўсатдан.

— Нима? Шунча гапирсам ҳам-ми?

— Ҳа, айтмоқчи, юзингиздаги терни артиб олинг. Оратор!— дедию, портфелини кўтариб синфдан чиқиб кетди. Дув кулги кўтарилди. Уни кар деб ўйлабман-а. Мен шунчалик изза бўлдимки, асти қўяверасиз. Шу-шу синфдошларим мени «Оратор» деб чақиришадиган бўлишди. Уша кундан бошлаб Қаримовни кўришга кўзим йўқ эди. Одамни шу қадар шарманда қиладими ахир! Ундан ўч олишни кўнглимга тугиб қўйдим.

Душанба куни биринчи дарс тарих эди. Мен синфга анча эрта келдим. Шалоғи чиққан бир стулни «оёққа» тургазиб, ўқитувчи учун қўйилган стулга алмаштирдим-да, секин мактаб ҳовлисига чиқдим. Стул

кўринишдан асло синиққа ўхшамас, лекин унинг устига ўтиришса борми!..

Ҳовлини бир оз айланганимдан сўнг дарс бошланди. Мана, Каримов стулга ўтирмоқда, ҳозир, ҳозир у гурс этиб полга қулаб тушади... Лекин у негадир ағанамасди. Гўё стулнинг оёқларини полга михлаб қўйишгандай...

Танаффусда секин стулни кўздан кечирдим: у алмаштирилган эди. Кейин билсам, бу ишни фаррош аёл қилган экан. Шундай қилиб стул менинг ўч олиш ниятимни амалга оширмади.

Бир куни Каримовга карикатура чизиб, расмни доскага осиб қўйишга аҳд қилдим. Расм чизишга бир оз қўлим келар, еттинчи синфда ўқиганимда пионерлар уйининг рассомлик тўғарагига қатнашганман.

Карикатура шунчалар кучли чиққандики, ҳатто ўзим ҳам жилмайиб қўйдим.

— Нега куйдирган калладай тиржаясан,— сўради партадошим Самад.

— Қара,— дедим секингина расмни унга узатиб.

— Боплабсан-ку. Худди ўзи-я! Қулоғини қара! Зўр! Зўр!— деди-ю, негадир ручка билан расмнинг остига «Шафтолиқоқ»— М. К. «Оратор» чизган сурат! деб ёзди.

Расм қўлдан-қўлга ўтиб кетди. У биринчи партадаги Алига текканда, қийқариб кулиб юборди. Каримов Алига бир ўқрайиб, расмни олди-ла, тезда кўз югуртириб, чўнтагига солиб қўйди. Синф сув қуйилгандек жимиб қолди. Жимликни қўнғироқ товуши бўлди.

— Бобоев, сиз бугун дарсдан кейин колсангиз,— деди Каримов. У расмни мен чизганимни сўзсиз билганди. Нима қиларкан энди? Директорнинг кабинетига олиб кирса керак.

Охирги дарс ҳам тугаб, болалар бирин-кетин тарқала бошлашди.

— «Шафтолиқоқ» бир тузлайдиган бўлибди-да

ўзларини. Нима ҳам дердим. Омад ёр бўлсин! Чао, Оратор!— деди Ҳамид заҳархандалик билан.

Синфда бир ўзим қолдим. Пича ўтгач, Қаримов келди.

— Қази кетдик,— деди у бўсақадан. Мен итоат-корона унга эргашдим...

У олдинда, мен эса орқада кетаяпмиз. Директорнинг кабинетига ҳам етиб келдик, лекин у бу ерда тўхтамади. Мактаб ҳовлисига чиқдик...

«Қизик, қаёққа олиб бормоқчи ўзи? Ие, бу кўчада мелисахона жойлашган-ку. Наҳотки ўша ёққа? Олиб бориши ҳам мумкин, ахир мен унинг шахсига тегдим-ку! Қаерданам бошладим-а, шу гавғони?»

— Уйингиз узоқми? — тўсатдан сўраб қолди у.

— Темир йўлнинг париги ёғида.

— Бизники мапови муюлишдаги иккинчи уй. Агар бир оз кечикиб борсангиз уйингиздагилар хавотир бўлишмайдами?

Мен нима деб жавоб қайтаришга ҳайрон эдим. «Хавотир бўлишади» десам: «Юринг, ота-онангизга сизни нима сабабдан мелисага обормоқчи эканимни айти», деб қолса борми?! Дадамнинг юраги ёмон, приступ тутиб қолгани ҳеч гап эмас. Яхшиси, ҳозирча улар билншмагани маъқул.

— Хавотир бўлишмайди. Ўзим доим кечикиб бо-раман,— дедим шошиб-пишиб.

— Бўлмаса, олга!— деди у тиржайиб. «Одам ҳам шунақа хушук куладими. Келиб-келиб шу билан ўчакишганимни. Самадга нима бало бор эди расмнинг тагига ёзиб...»

Хаёл билан мелисахонанинг ёнидан ўтиб кетганимизни ҳам сезмабман.

— Мана етиб келдик,— деди Қаримов тунука том-ли, таши яқиндагина оқланган уйни кўрсатиб.— Бизникига марҳамат!

«Уйдагиларга ушланиб қолиш сабабини айтмоқчидир», хаёлимдан ўтказдим.

Аммо уйда ҳеч ким йўқ эди. Қаримов мени ўртадаги хонага бошлади.

— Олдин иқтисод, кейин сиёсат деганларидек, бир чойлашсак. Уғлим, келиним — ишда. Неварачам боғчада. Мен Булунғурга яқинда келганман. Илгари бошқа шаҳарда яшардик. Қампирим, оламдан ўтгач, бир ўзим турулмадим.— Сиз, Жамшид, нонга қаранг, мен ҳозир,— у аллақаяёққа чиқиб кетди. Назаримда, ошхонага, чунки чойнакнинг шақур-шуқури, гугурт чақилгани эшитилди, кейин ёғнинг жазиллаши ҳам қулоғимга чалинди. «Нима, овқат қилмоқчимиз?»

Мен секин хонани кўздан кечира бошладим, оддийгина жиҳозланган. Тўрдаги таҳмон токчалари китоб билан тўлатилган.

Бир оздан сўнг Қаримов столга чойнак билан тарелка, қовурилган тухум олиб келди.

— Мириқиб тушлик қиламиз. Радионинг қулоғини бураб юборингчи. Музика овқатни яхши ҳазм қилдиради, дейишади. Қани, овқатга қаранг, совуб қолмасин.

Томоғимдан овқат ўтармиди. Назаримда танам қотиб қолгандек.

— Сиз тортинманг,— яна гапира кетди Қаримов,— бемалол ўтираверинг. Мана, чойдан ичинг. Айтмоқчи, чой ҳақида бир ҳикоят бор. Аллақайси қишлоқда бир чол бўлиб, у шунчалик ширин қилиб чой дамларканки, ҳамқишлоқлари, меҳмонлар унинг санъатига қойил қолишаркан. Кўпчилик чолга қанчалик ялинмасин, у ҳеч кимга бундай қилиб чой дамлаш сирини айтмас экан.

Кунларнинг бирида у узоқ бир сафарга чиқадиган бўлибди. Уни кузатгани бутун қишлоқ аҳли тўпланибди.

— Энди отахон, сизни кўп ойлар кўрмаймиз. Суҳбатингизни, ширин чойингизни соғинамиз. Қишлоғи-

мизда ҳеч ким сиздақа қилиб чой дамлай олмайди. Бир илтимосимиз бор,— дебди аллаким чолга,— синрингизни айтиб кетсангиз.

Ниҳоят чол рози бўлибди. «Бунинг сири шундан иборатки,— дебди у,— чой дамлашдан олдин чойнакка қуруқ чойдан кўпроқ солиниши керак»...

Мен беихтиёр кулиб юбордим.

— Мана шунақа гаплар,— деди Қаримов ҳам мен билан қўшилиб куларкан.

Қаримов яна кўпгина нарсалар ҳақида сўзлаб берди. Орамиздаги совуқлик аста-секин йўқола борарди.

Биз анча суҳбатлашдик.

— Олдин ҳам расм чизганмидингиз?— тўсатдан сўраб қолди Мажид ака хайрлашаётганимизда.

Мен қизариб кетдим.

— Ҳа,— дедим эшитилар-эшитилмас,— еттинчи синфда пионерлар уйининг расм тўгарагига қатнардим. Кейин бормай қўйдим.

— Чакки қилибсиз. Рассомликда ҳикмат кўп. Айтмоқчи, ўша вақтда чизган расмларингиздан бирортаси сақланиб қолган бўлса, эртага опкелсангиз. Эртага якшанба-ку, икковимиз ҳам бўшмиз. Бояги чолнинг чойидан дамлаб берардим.

Иккаламиз ҳам кулиб юбордик.

— Хайр бўлмаса, Яхши боринг. Эртага кутаман.

Мен Қаримовникидан елкамдан оғир тош тушгандай бўлиб чиқдим.

«Қанақа одам ўзи у, ҳеч тушуниб бўлмайди», ўйлаб борардим йўлда.

Эртасига акварель билан чизган иккита эски расминни топиб, Мажид акаларникига бордим. Уғли, келини, невараси уйда экан.

Улар мени илиқ қаршилашди. Қаримовнинг ўғли Раҳимжон ака комбинатда инженер бўлиб ишлар, бўш вақтида эса тасвирий санъат билан қизиқаркан. Кейин

билсам, Мажид акада ҳам рассомликка ҳавас катта экан.

Бу сафар суҳбатимиз анча қизиди. Мажид ака шунчалик самимий гапирардики, кўнглида менга нисбатан ҳеч қандай кек йўқлиги билиниб турарди. Мен у киши ҳақидаги дастлабки тасаввуримдан, Мажид акадан ўч олиш ниятида қилган ҳаракатларимдан ўзимни беомон койирдим.

Ниҳоят уйга кетишга тайёрлана бошладим. Мажид ака менга тасвирий санъат ҳақида ёзилган китобча соғга қилди.

— Сиз,— деди у хайрлашаётиб (у мени кузатгани ҳовлига чиққанди),— рассомлик билан жиддий шуғулланишингиз керак. Сиздан яхши рассом чиқади.

— Муаллим... Мени ҳалиги карикатура учун кечиринг. Мен...

— Кечираману,— деди у сирли бир табассум билан,— аммо шартим бор. Чекишни ташлайсиз.

Биз аҳён-аҳёнда Али билан яшириниб чекардик. Демак Қаримов бун биларкан-да.

— Мен чекишни фронтда ўргангандим,— давом этди Мажид ака.— У ерда тамаки кучимизга куч бағишларди гўёки. Урушдан кейин ҳам чекдим, ўп йилча. Сўнг, ташлаб юбордим. Бунинг турган битгани зарар. Бу папиросга ўрганиш жуда осон, ташлаш жуда қийин экан. Биринчи кунлари роса қийналдим. Папирос ҳатто тушларимга ҳам кириб чиқди. Лекин бари бир қайта оғзимга олмадим.

Сиз эса ҳали унга ўрганганингиз йўқ, кашандаликка ҳавасингиз бор холос. Менимча, тамакига кўникмасангиз яхши бўларди. Демак, бу ҳавасдан воз кечасиз. Қелишдикми?

— Қелишдик. Мажид ака...

— Қалай, «Шафтолиқоқ» бопладими?— сўраб қолди эртасига дарсга келганимда Ҳамид.

— Иккинчи марта Мажид акани ундай дема! Тушундингми?

— Вой-бў! Важоҳатини қаранглар бунинг. Бу дейман, шунчалик жонингни олиб қўйишдими! Бечора-ей! Болалар мени мазах қила бошлашди.

— Ахир унга ўзинг. «Шафтолиқоқ» деб лақаб қўй-мовдингми? Уч олиш ҳақида гапирган ҳам ўзинг эмас-мидинг? Энди бўлса...

Охири мен болаларга барча бўлган воқеани айтиб бердим. Улар таажжубдан ёқа ушлашди.

Ҳикоям синфдошларимга таъсир қилди шекилли, чунки улар қалбида Мажид акага нисбатан аллақандай ўзгартириш рўй берди, бора-бора эса синф билан Каримов орасида илқлик пайдо бўлди. Бу ўз-ўзидан бўлмади албатта. Каримов олдин тарих тўғараги ташкил қилди, кейин расм тўғараги очди. Унинг раҳбарлиги остида бизлар ҳар якшанба куни турли жойларга экскурсияларга чиқадиган бўлдик, районимиздаги Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳақида кўпгина материаллар тўплаб, мактабимизда «Шон-шуҳрат» музейи очдик.

Мажид ака тарихни севар, Ватанимизнинг ўтмиши билан ҳамиша фахрланар, бизнинг қалбимизда тарихга нисбатан чексиз муҳаббат уйғотарди.

У ҳақиқатда ҳам бебаҳо одам экан. Йўқ, Мажид ака ҳеч қачон овозини баландлатиб гапирмас, бизни койимас ҳам эди. Лекин шундай бўлса-да, унинг ҳар бир сўзи биз учун қонун, у айтган нарсаларни бажариш ҳар биримизга шавқ бағишларди.

Биз Мажид акани севиб қолгандик. Унинг мақтовига сазовор бўлиш учун ҳамма нарсага тайёр эдик. Лекин у бўлар бўлмасга ҳеч кимни мақтамас, кейин, ёлгончиларни ёмон кўрарди...

Синфимиздагилар олдин ҳам иноқ эди. Аммо Мажид ака бизга тамомила бошқача дўстлик ҳадя қилди. Агар илгари биз ўғил болаларнинг кўпчилиги-

ни кучсизлар устидан мазах қилиш ҳисси, бурчак-бурчакда яширишиб, сигарет тутатиш иштиёқи бирлаштирган бўлса, энди синфимиздаги ҳар бир ўқувчи ташвиши бизнинг умумий ташвишимизга айланган, биз ҳар биримизнинг қайғу ва қувончимизни биргаликда баҳам кўришни ўргандик.

Каримов бизга баҳслашишни, баҳсга мавзу танлашни, унга тайёргарлик кўришни ҳам ўргатди. Бу баҳслар бизни янада жипслаштиради, бизга номаълум бўлган кўпгина нарсаларнинг сирини очишда ёрдам берар ва натижада дунёқарашимиз кенгайиб борарди.

Мажид ака фақат менга эмас, балки кўпчилик синфдошларимга ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олишда яқиндан кўмаклашди.

Мактабни битирганимизга анча бўлса-да, биз қаерда бўлмайлик, ҳар йили Булунғурда тўпланиб Каримов туғилган кун — йигирма олтинчи августда мактабимизда учрашув ўтказамиз. Қачонлардир синфимиз асос солган гулзоримиз ва мактаб боғини сайр қиламиз, синфимизга киримиз.

«Сизлар билан учрашсам мен ҳам ўзимни гўёки ўқувчи ҳис қиламан, учрашув мени жуда ёшартириб юборади», дерди у.

Ногаҳон Бобоев жимиб қолди. Қарасам кўзида ёш. Хижолат бўлмасин деб, юзимни бошқа ёққа бурдим...

— Яқинда Мажид акани сўнгги йўлга кузатдик...— деди Бобоев ўзини ўнглаб олгач, гамгини бир товушда.— Бу расмни ўтган кунни Булунғурга борганимда олиб келдим. Уни тўсатдан Мажид акаларникида кўриб қолдим. Кейин у кишининг ўғли Раҳимжон акадан уни олиб кетишга рухсат сўрадим.

— Демак буни сиз чизган экансиз-да!— деди у жилмайиб.— Отам уни жудаям авайларди. Оббо сиз-ей...

— Ҳозир мен Мажид аканинг портретини яратиш устида иш олиб боряпман, — деди Жамшид оғир бир тин олиб.



— Нега энди олдин, Қаримов тириклигида унинг портретини яратмовдингиз?— беихтиёр савол бердим мен.

— Бир неча бор уриндим. Аммо Мажид ака ҳеч розилик бермади. «Мен бир оддий ўқитувчиман, портрети ишланадиган даражага етадиган ҳеч нарса қилганим йўқ», дерди у киши ҳар гал. Эҳ, ўшанда қатъийроқ ҳаракат қилишим керак экан. Энди бир умр афсусланаман...

Бобоев билан яна пича гаплашдик. Хайрлашиб, кўчага чиққанимда неон чироқлари атрофга шуъла сочиб турган кўчаларда одамлар хиёл сийраклашиб қолганди. Бу ерда метрогача трамвайда уч-тўрт бекат бўлса-да, негадир пиёда юргим келди.

Бораяпман-у, хаёлимдан Бобоевнинг ҳикояси ҳеч кетмайди. Ва ногаҳон кўз олдимдан мактабим, меҳрибон муаллимларим гавдаланади. Райҳон опа. Биринчи ўқитувчим. Ҳали-ҳали эсимда, биз «Алифбе»-ни илк бор ўқиганимизда у қувончдан болалардек йиғлаб юборганди. Райҳон опа худди онамиздай эди: биз кулсак, қўшилиб кулар, йиғласак, бошимизни силаб юпатар, ғаму-ташвишимизга тенг шерик бўларди. Унинг орамиздан кетганига анча йиллар бўлди. Лекин на мен, на бошқа синфдошимиз бирор мартаям бормаб-миз-а, унинг қабрига...

## ТАКЛИФНОМА

Уста Маҳкам сартарошхонага кириб келганида Эшнӣёз курсининг бир чеккасида муштаккина бўлиб ухлар, деворга қия осилган эски репродуктор қулоқни батанг қилгудек шанғилларди.

Уста раднони ўчиргач, бир-икки қаттиқ йўталди. Эшнӣёз худди ари чаққандай қути ўчиб, иргиб турди.

— Ассалому алайкум, уста ака! — деди у шоша-пиша, уйқули кўзларини уқаларкан.

Уста Маҳкам бўлса унга еб қўйгудек ўқрайди.

— Одам ҳам шунчалик бефаросат бўладими! Ҳама жой сасиб-бижиб ётибди-ю, сен бўлсанг...— деди жаҳл билан, соч толаларию қоғоз парчалари ёнида ётган чўлтоқ супургини олиб, зарда билан полни супураркан.

Эшнӣёз хижолатдан қулоқларигача қизариб кетди. Ҳаммасига хотини айбдор: кеча ишни тугатиб, энди сартарошхонани тозалайман деб турганимда Момохол туйқусдан иккита қоп кўтариб келиб: «Мингтепадаги Маматмурод деганнинг уйига бориб, писта олиб келинг. Арзон-гаровга тушди, боя бозорда савдосини пиштиб, пулини бериб юбордим», деб қолди.

Эшнӣёз: «Ахир, ифлослигини қара, йиғиштирмасам бўлмайди-ку, ўша сабилни эртага обкеб берсам-чи?— деса, хотини: «Нима, сиз Маҳкамга чўримисиз, нуқул тозалаганингиз тозалаган! Тақал қилмай ҳозироқ боринг, йўқса улгурмайсиз, йўли анча олис! Қани бўла қолинг!»— деб то йўлга отлангунича бошида турди.

Йўқ, агар Мастураси онасиз қолиб қийналмаганида, тилла беришсаям бир ёстиққа бош қўймасди шу Момохол билан. Шарофатнинг умри қисқа экан, Мастурани туғди-ю, ўзи кўз юмди. Муштипар аёл эди бечора. Ширинсўзлигини айтмайсизми! Момохол эса... Тўғри, Эшнӣёзнинг қариндошлари аллақердан топишган, битта гапга йигирматасини қўндирадиган Момохол дастлабки кунлари анча мулойим эди... Ким билади, тирноқ бетини кўрмай ўтиб бораётганиданми, бошқаданми, ишқилиб нақ аждаҳога айланди-қолди. Яна кўзи тўймаслигини бунинг. Оилада уч киши ўзлари. Уйлари ҳамма нарсадан бадастир. Лекин қайда қаноат қилса! Кунига писта қовуриб сотгани-сотган. «Муаллимларимдан уяламан», дейишига қарамай Мастурани ҳам мажбурлаб соттиради.

Бир куни Эшнӣёз: «Ке, қўй, йиғиштир шу ишингни», деди, қолди балога. «Соч-соқолдан тушадиган

чақаларингизга рўзғор тебратяпман, деб юрибсизми?! Топганингиз нонгаям етмайди... «Хотини шундай густоҳлик қилдики, шу-шу, бу ҳақда бошқа огиз очмайдиган бўлди. Агар айтган пистасини вақтида опеке бермаса, борми — бошида данак чақади. Бўлдирадиган ҳам хотин, ўлдирадиган ҳам хотин, деганлари рост экан ўзи.

Эшнӣз Мингтепа қишлоғига уч-тўрт соатча машина овлади. Қайтиб келишаётганида, аксига олиб машина бузилиб қолди.

Уйига азонлаб, забун бир ҳолда кириб келди. Наридан-бери чой ичиб, чала уйқулигича ишга борди. Андармон бўлсин учун радиони қўйди-да, сартарошхонани йиғиштиришга тушди. Сўнгги ахборот бўлаётган экан.

— Кеча Ольстердаги (Шимолий Ирландия) Лонг Кеш лагерида очлик эълон қилган яна бир сиёсий маҳбус оламдан ўтди...— дикторнинг гапи уни гангитиб қўйди. «Вой бечора-ей, жуда ёш кетибди-да. Шўрлик-ей...» ачинди Эшнӣз ва супургини ташлаганча, курсига беҳол чўкиб, хабарнинг давомини диққат билан тинглай бошлади. Кейин уйқу қандай элитганини сезмай қолибди.

«Оббо, жа хунук иш бўлди-да,— афсусланди Эшнӣз, сўнг югуриб бориб, устанинг қўлидан супургини олмоқчи бўлди. У эса «Нари тур!» деб жеркиб ташлади. Устанинг ранги қув оқарган, ғазабдан лаблари пир-пир учарди. Яқинда Кўкқиянинг Бирлик кўчасидаги янги сартарошхона очилди-ю, дуппа-дуруст юрган уста Маҳкамнинг пайтавасига қурт тушди. «Булбулнинг қулоғидай посёлкага битта сартарошхонаям етиб ортарди. Нима қилишарди ризқимизни қийиб. Қаловини топиб ўша сартарошхонанинг гўрига фишт қалатмасам, Маҳкам отимни бошқа қўяман!» дерди у ҳар гапининг бирида.

— Ифлос жойдан ҳаминша барака қочади. Ўзи-ку, мижозлар тобора камайиб кетяпти шу кунларда. Ҳеч

одам бўлмади бу Эшниёз. Еши қирқдан ошибди-ю.. Худойи таоло ақл бермаса қийин экан. Уша шляпалининг муштидан аҳмоқ бўлиб қутқариб қолганаканман, балки бир-икки бостириб калтак еса, мияси жойига тушармиди-ей, — ўйларди у нарироқда, мусичадек додираб турган Эшниёзга қараб ижирғаниб қўяркан.

Ушанда шляпани қиялатиб қўндириб олган (у шаҳарлик эди) гўлабир мижоз уста Маҳкам банд бўлгани учун Эшниёзнинг курсисига ўтириб, соқол олдиришини айтди. Эшниёз чамалаб кўрса, бўйи етмайди. Бирам дароз эдики!

— Бўлмаса, андак кута қолинг, манови кишининг сочини олиб бўлай,— деди унга уста Маҳкам. У эса кўнмади, иши жуда тигиз эканини айтди.

— Йўқса мундай, нариги хонада яшик бор,— маслаҳат қилди уста Эшниёзга,— ўшани опчиқиб, тагингга қўйиб ол.

Эшниёз кир-чир, тахталари қорайиб кетган яшикни кўтариб келиб тўнкарди-да, устига чиқиб мижозининг юзини ивита бошлади. Сўнг пакки тортди.

— Астароғ-е! Шудгор қиляпсизми!— тўнғиллади новча.

— Кечирасиз,— деди Эшниёз мискин бир товушда. Энди у паккини қўрқа-писа юргизарди. Бир маҳал яшик қирт этиб синдию у қулаб тушди. Яхшиям, пакки на мижозга, на Эшниёзга шикаст етказди. Лекин новча шу заҳотиёқ бир ҳовуч ўтиндек ловуллаб кетди:

— Ҳе, падарингга лаънат! Сендақа лилипутлар циркда масхарабоз бўлиши керак, аслида. Қайси тентак олдийкин сени сартарошликка? Улдирай дединг-ку одамни!..— Оғзидан боди кириб, шоди чиқарди унинг.

Жойидан бир амаллаб турган Эшниёз эса ногаҳон жилмайгани, заҳраси баттар зогора бўлган мижоз «Эшшак!!!» деб сўкиниб, унга мушт кўтариб келаётганида, уста Маҳкам орага тушди. Ялиниб-ёлвориб Эшниёзни қутқариб қолди.

«Ушанда катта бошимни кичик қилиб суқилмасам бўларкан. Бунақа аҳмоқлар яхшиликнинг қадрига етармиди! Мана, ҳозир ҳам қанақа аҳволга солди!»

Устанинг назарида, шу тобда сартарошхонага кимдир кириб қоладигандек туюлди. Кимсан уста Маҳкам супурги ушлаганини кўришса борми, роса кулгига қолади-ку... У чўчиб, шоша-пиша Эшнӣэзни чақирди: «Ма буёғини ўзинг тозала. Фақат имиллама. Бошқа шундай қилсанг, ўпкалама мендан!»— дедию қўлига супургини берди-да, ўз курсиси томон юриб, соч оладиган асбоб-ускуналарини қайтадан тартибга сола бошлади.

Сартарошхонани йнгиштириб юрадиган кампир ўлгач, фаррош топилмади. Охири уста Эшнӣэзга: «Сочигу чойшабларни мен ювдираман. Супуриб-сидириш— сендан. Ўзинг эплай олмасанг, қизингними, Момохолними кўмакка айтарсан», деб қолди. Эшнӣэз рози бўлди. Аммо бу юмушга на Мастурани, на хотинини қўшгиси келди. Момохол-ку ўлиб қолсаям қўлига супурги олмайди. Мастура эса... Ўзи шундоғам уялиб юрибди писта сотганидан.

Эшнӣэз пол ювишга тушганида ёш бир бола келди.

— Қани, курсига ўтир-чи,— таклиф қилди уни уста Маҳкам.

Уша новча билан бўлиб ўтган можародан сўнг улар уста НККОВИ мижозларни ўзаро «тақсимлаб» олишганди. Ёши каттаю бўйдорлар устанинг, болалару пастак чоллар эса Эшнӣэзнинг мижозлари эди. Ҳозир устанинг болани ўз курсисига ўтқизганидан Эшнӣэз хафа бўлмади. «Майлига, ахир бандман-ку», деди ўзига ўзи.

Эшнӣэз болаларни жуда севарди. «Умрини берсин шуларнинг, дикир-дикир ўйнасин, оёғига тикан кирмасин», деб такрорларди у ҳамниша. Майиздай юмшоқ, ўзи ҳам кўринишдан болалардан деярли фарқи йўқ (пешонасидаги ажинларни ҳисобга олмаганда), қўл-

оёқлари калта, юзи чуваккина Эшниёз, соч олдиришдан чўчиб йиғи кўтарадиган ҳар қандай болани ҳам юпата оларди. Унинг турли қилиқлари — қошини чимириб, кўзларини ғалати қисиб-очишини, лабларини чимириб «қуёнча» бўлишини кўрган бола бир зумда йиғлашдан тиниб, қийқириб кулишга ўтарди. Гоҳо эса у болаларнинг қўлига конфетми, ўйинчоқми тутқазарди. Айримлар ота-оналарининг дўқ-пўписаларига ҳам қарамай, ўйинчоқларни ўзлари билан олиб кетишарди. «Зинҳор койманг, бола-да. Ўзи атайлаб шулар учун опкеб қўйганман», дерди ҳар гал Эшниёз. (У район марказига тушди дегунча албатта «Болалар дуйёси»га кириб бир қучоқ ўйинчоқ кўтариб келарди. Буни Момохолга сездирмасликка ҳаракат қиларди.)

Баъзи болалар уни: «Пакана! Пакана!»—деб чақириса ҳам, тилини чиқариб калака қилишса ҳам эътибор бермас, қайтага улар билан ҳазил-мутойбага ўтарди.

— Эшниёз!—деб чақирди уста.—Йиғиштириб бўлдингми? Яхши. Ма, манови пулни ол. Райпога борсан, завторг бор-ку, Маҳмудов, ўша кишига учрайсан, уста акам юборди дейсан. Икки-уч блок импорт писка беради. Тушундингми?

— Албатта-да, уста ака. Улибманми тушунмай. Маҳмудовга кираман, импорт писка деб...

Эшниёз кетгач, яна икки мижоз сочини олдирди. Бир маҳал хонага дўхти келишган, қорамағиздан келган ёшгина йигит кирди.

— Саидов дегани шу ерда ишлайдими?—деб сўради у устадан салом-алиқдан сўнг.

— Қанақа Саидов!—деди уста, йигитга бошдан оёқ разм солиб.

— Ҳозир,—йигит қўлидаги откриткага тикилди.—Э, нуқта Саидов.

— Ҳа, ҳа. Нима эди?

— У кишини Аббосов тўйларига айтишган.

— Омон Фаёзовичми?

— Ҳа. Қани Саидовнинг ўзи?

— Магазинга кетувди, ҳозир кеп қолади. Сиз анову курсида ўтира турунг.

Йигит шошилаётганини айтиб: «Тўй шу шанбада, албатта борсин», деди-да, таклифномани устага бериб қайтди.

У кетгач, уста откриткадаги зарҳал ҳарфлар билан битилган: «Ҳурматли Э. Саидов! Сизни оилангиз ила шу йил 12 сентябрь кеч соат 8 да бўладиган никоҳ тўйимизга лутфан таклиф қиламиз. Адресимиз: Садовая кўчаси, 22-уй. Ҳурмат билан Нигора ва Баҳодир. Аббосовлар оиласи», деган сўзларни кўзларига ишонмай, қайта-қайта ўқиб чиқди.

«Қизиқ, нима сабабдан тўйга айтдийкин Аббосов Эшнӣезни?— деб ўйга чўмди у.— Балки қариндошлиги бордир? Тўхта-тўхта, ўтган куни соч олдирганлардан бири Аббосовни Айритомдан, деган эди-я! Эътибор қилмаган эканман, Эшнӣез ҳам ўша қишлоқдан-ку, ахир!»

Эшнӣез анчадан кейин қайтди.

— «Астра» дегани экан. Бир блок беришди, холос. Анқонинг уруғи эмиш, шунга ҳам уста акангиз дўпписини осмонга отсин дейишди,— деди у пулнинг қолгапию, олмосларни узатаркан.

Уста Маҳкам блокни очди-да, олмосларнинг ярмини унга тутди.

— Буниси — сенга. Ҳа, қизиқ экансан! Шунча йил бирга ишлаймиз, ака-укалардаймизу. Нима, шу писка одамнинг хуни бўптими? Олавер!

— Раҳмат, раҳмат,— деди қувониб Эшнӣез. У устанинг бояги ҳаспи совуганидан хурсанд эди.

— Мен мияси айнигандан хафа бўлма. Асабий бўп қопман ўзи.

— Сираям хафа бўлганим йўқ,— деб юпатишга

тушди Эшниёз.— Ахир, ҳаммасига ўзим айбдорман. Кечқурун йиғиштираман деб турсам, Момохол: «Уламан саттор, Мингтепадан писта олиб келасиз», деб туриб олди. Нақ тонггача овора бўлдим. Эрталаб бўлса...

— Майли, майли. Узи дунё мири кам икки,— деди уста мулойимлик билан. Кейин унинг қўлига тантанавор бир ҳолда бояги таклифномани тутқазди.

— Нима бу?— деб сўради Эшниёз.

— Таклифнома. Аббосовдан. Тўйларига айтибди сени.

— Билмайман-ку, у кишини,— деб елкасини қисди Эшниёз.

— Айритомликмисан ўзи?

— Уша ерликман-ку, лекин ота-онам ўлгач, болалигимданоқ чиқиб кетганман.

— Кимникигаям борардим? Қариндошларимиз ҳам кўчиб кетишганди.

— Чакки қилибсан. Одам юртдан чиқсаям, элдан ажралмаслиги керак. Эслолмайсанми, мабодо Аббосовми, Фаёзми деган қариндошларинг йўқмиди?

— Фаёз деган бўлам бўларди.

— Қаерда ҳозир у?— деб шоша-пиша сўради уста.

— Аниқ билмайман. У кишиям қайси бир районга кўчиб кетганди.

— Уғиллари бормиди ўша бўлангнинг? Исмларини биласанми ҳеч бўлмаса?

— Менимча, икки ўғли бор эди-ёв, мендан анча кичик эди улар. Отлари эсимда йўқ.

«Аҳ-ҳа, демак, уларнинг қариндошлиги аниқ!», деб ўзида йўқ шодланди уста.

— Бўлмаса билиб қўй. Аббосов сенга қариндош бўлади,— деб жилмайди у Эшниёзга қараб.— Жудаям аломат одам экан Омон Фаёзович! Шундай амалига қарамасдан, сен билан алоқани қайта тикламоқчи бўлибди-я! Қани энди менинг ҳам шундай одамим



бўлса! Ана шунақа қариндошинг топилибдими, бахтинг очилиб кетади сенинг ҳам!

— Ҳеч ишонгим келмайди-да, ўша кишининг менга қариндошлигига...

— Галварслигинг қолмади-қолмади-да!— деб унинг гапини бўлди уста Маҳкам.— Ҳай, менга қара, Аббосовдақалар бирон-бир сабаби бўлмаса, одам қуригандай, келиб-келиб сени айтармиди тўйига! Шанба ҳам индин, Келинни олиб бир яйратиб кел. Тошкентдан артистлар келишади. Тағин, таклифномани бу ерга ташлаб кетма, йўқолиб-нетиб қолиши мумкин. Уйингга бор!

Эшнӣёз овқатланаётганида, таклифномани ногаҳон Момохол кўриб қолди, орқа-ўнгини айлантириб: «Чиройлигини буинг гулларини. Нима, таклифномами?»— дея суриштира кетди. Эшнӣёз унга Аббосовданлигини, у ким бўлиб ишлашини тушунтиргач: «Улай агар у кишини танисам!» — деб қўйди.

— Уста акаям кўрдими?— негадир сўради хотини.

— Ҳа. «Қариндошсизлар. Ундайлар ҳар кимни ҳам тўйга айтишмайди. Келинни обориб бир яйратиб кел», эмиш. Узинг ўйлаб кўр, қандай борамиз, танимасак?

— Танийдими, тапимайдими, айтибдими — вассалом! Мундоқ одам бўп биз ҳам умримизда бир марта тўйга тушсак тушибмиз-да!

— Қўй!— қўл силтади Эшнӣёз.

— Борамиз! — деб туриб олди Момохол.

...Шанба куни эрталабданоқ Момохол тўйга бориш учун тараддуд кўрди: ҳинд совунига кечаси ювган сочини кўзгуга қадалганча бот-бот таради, юзига упу суртди, сандиқдан оҳори тўкилмаган шакарсеппи кўйлагини олди. Эшнӣёз ишга кетаётганида: «Уйга эртароқ қайтинг, яна кечикиб бормайлик» деб тайинлади.

Уста худди Момохолнинг фикрини сезгандай Эш-

ниёзга: «Сен бўлди қил энди ишингни. Тўйга кечикиб бориш яхшимас. Сартарошхонани бўлса, ўзим йиғштириб қўяман. Ҳа, базм азонгача чўзилса, эртага (улар якшанбада ҳам ишлашарди) ишга тушдан кейин чиқсанг ҳам майли. Ҳа, лаллайиб бир чеккада ўтирма тагин! Борганингни Омон Фаёзовичга албатта билдир. Янги мансабга кўтарилгани билан табриклаб қўй. Эсингдан чиқмасин! «Раҳмат сизга, узилган ипни боғлаганингиз учун. Энди борди-келди қилиб турайлик», ҳам дегин. «Тушунаяпсанми?»— деб қайта-қайта тайинлади у. Эшниёзга. «Зора шу пакана орқали мен ҳам Аббосов билан яқин бўлиб олсам. Ана ўшанда Бирликдаги сартарошхонани ёпиш уёқда турсин, ҳатто планимизни ҳам анчага камайтириб бўларди», деб нчидан қувонди у...

— Мунча имилламасанг, қани, жўна тезроқ! — деди сўнг Эшниёзга, унинг каловланаётганини кўриб.

Эшниёз: «Бари бир бормайман ўша тўйга», демоқчи бўлди-ю, аммо уста Маҳкам яна тутақиб кетмасин учун, «Момохолни бормасликка бир амаллаб кўндира қоларман», деб кўнглидан ўтказди у. Лекин Момохол ўжарлик қилиб туриб олди. Уни судрагандай қилиб олиб чиқди. «Манг!» деб қўлига тугунни тутқизди.

Аббосовларники Кўкқиядан анча узоқ бўлгани учун енгил машина кира қилишди. Тўйхонага етиб келишганларида машинага икки-уч киши пешвоз чиқди.

— Хуш келибсизлар!— деди мулойим юзли дўппили одам, кабина эшигини очаркан.— Қани янга, марҳамат!

Бу илтифотдан эриб кетган Момохолнинг машинадан нозу таманно қилиб тушаётганини кўрган Эшниёз уялиб кетди.

— Ким десам... А, сен нега адашиб юрибсан бу ерда?— деди салом-аликни ҳам йиғштириб дўппилининг олдидаги одам. Эшниёз уни энди таниди: промкомбинатнинг директори эди у.

— Бизниям айтишган! Таклиф қоғозимиз бор. Уқиб кўринг!— бобиллаб берди Момохол.

— Ие, ие, қўйинг янга, бир ҳазиллашди-да булар,— орадаги ноқулайликни йўқотишга тушди дўппили.— Қани, марҳамат!..

Аёллар билан эркаклар айрим-айрим ўтиришарди. Эшниеэни кимдир тўрдаги жойга бошлаб кетди. Ҳали кўпчилик жойлар бўш — аксарият меҳмонлар энди келишарди. Эшниеэ ўтирган заҳоти беш-олти одам келди. Улар орасида пахта тозалаш заводининг директори Азизов ҳам бор эди. Эшниеэ ўрнидан даст туриб, жой бўшатди-да, пастроққа ўтди. Яна бир гала меҳмонлар келиб, Эшниеэ жойини бўшатишга шайланаётганида, хизмат қилиб юрганлардан бири «Тўйда одам ўтирган ўрнини бермайди», деб уни тургани қўймади.

Бўйи калталигидан ор қилиб, одамови бўлиб қолган Эшниеэ мабодо маҳаллаларида тўй-маърака ўтса мудом сабзимни, пиёзми артар, гоҳо-гоҳо наҳор ошига ҳам борар, лекин мана бунақанги базмларга умрида қатнашмаганди. У ҳозир ўзини худди қафасга тушиб қолгандек ҳис қилар, нима билан машғул бўлишини билмай, хуноб эди.

— Қани, чойдан олинг,— деб қолди бир маҳал қаршисидаги одам унга пиёла узатиб. Эшниеэ қўлини кўксига қўйиб пиёлани олгач: «Мен қуявераман», деб унинг ёнидаги чойнакни олди.

Ен-веридагиларга чой узатгач, деворларга осилган чўғдай гиламу, гилам-пойандозларга завқланиб тикилди. Ногаҳон тўрдаги каттакон гилам саҳнидаги оқ билан битилган: «Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар! Нигора ва Баҳодир», деган ёзувга, қўш ҳалқаю шампан шишаси билан қадаҳ тасвирига нигоҳи тушиб, «бир кунлик тўй деб шундай гиламни расво қилишибди-я», деб ачинди. «Қанақа бўёқ билан ёзишган экан-а?..» Охири ёнидаги одамдан сўради.

— Пахта билан,— деди у.

— Пахта билан?! Мен бўлсам, шундай гиламни расво қилишибди деб ўйлабман. Қаранг-а,— айбдорлардай, илжайди Эшнӣёз.

Шу пайт чилдирмапинг бака-банги атрофни тутиб кетди. Унга тору сурнай қўшилди. Кейин «Тўйлар муборак» янгради. Меҳмонлар то келин-куёв ўз жойларига бориб етгунларича ўринларидан туриб қарсақ чалишди. Кимдир тўйни очиқ деб эълон қилди. Кимгадир сўз берилди. Сўнг қадаҳлар жараңлади. Сўнг-ра яна ваъзхонликка ўтилди. Уртага санъаткорлар тушишди.

Қўшнилар ҳеч қўйишмагач, озгина ичиб олган Эшнӣёзнинг бора-бора дили ёришиб кетди. Унда энди бояги хижолатдан асар ҳам қолмаганди.

— Меҳмон, бир чекиб келайлик,— деб қолди унга ёнидаги одам. Умрида чекмаган Эшнӣёз унинг гапини икки қилмаслик учун бирга қўзғалди.

— Сабил, гугурт қоп кетибди. Юринг, ўчоқ бошида тутатамиз. Шу баҳонада оёқларнинг чигалини ҳам ёзамиз,— деди шериги унга сигарет узатиб.

Ўчоқ бошига ўтишаётганларида, Эшнӣёзнинг қулоғига унга орқа ўгириб турган уч-тўрт кишининг гапи чалинди. Улар баланд товушда сўзлашарди.

— Ҳе, ким бўларди, анаву настафуруш Момохол бор-ку, ўшанинг эри-да, Эшнӣёз. Хотинчасини айтмайсизми, керилишини унинг.

— Узи-чи? Талтайиб тўрда ўтиришини.

— Ким айтибди ўзи уларни?

— Ит айтармиди! Бирлик кўчасидаги сартарош бор-ку, Эркин Саидов. У кишининг Аббосовга қандайдир оғайнингарчилиги бормикан. Расулбой, айтувчи йигит эса адашиб, таклифномани шу жипириққа обориб берибди денг!..

Эшнӣёзнинг ичида нимадир чирт этиб узилгандай бўлди. У ҳозиргина ўчоқбошидан қайтиб келган шеригининг: «Қаёққа? Қаёққа? Мана, тутатиб келдим!» де-

ганига ҳам қарамай, сигаретни ирғитди-да, кўчага отилиб чиқди. У анча масофагача чопиб борди. Назарида, тўйхонадагилар ортидан қувлаб келишар, агар тутиб олишса, беомон калтаклашадигандай туюларди.

Ниҳоят, тўйхона карнайдан таралаётган узун-юлуқ овозлар тинди. Эшниёз тўхтади. Унинг аъзои баданидан тер қуюларди. Рўмолчасини оламан деб, костюмининг чўнтагига қўл солувдики, бармоқлари таклиф қоғозининг ўткир қиррасига урилди. Эшниёз уни шартта чиқарди-да, ёнжимлаб четдаги ариқчага ирғитди.

Кейин тўй тамом бўлгунча, кўчаларда тентираб Момохолни кутди.

Эртасига ишга лоҳас бир ҳолда борди. Сартарошхона негадир ичидан берк эди. Эшикни тақиллатди.

— Келдингми, Эшниёзжон!— деб илжайди уста Маҳкам, эшикни очиб уни ичкарига бошларкан.— Шу де, кеча сен кетганинг ҳамон мени ҳам қўшнимникига айтиб кетишди. Уғли армиядан отпусага келган экан. Ўйгиштиролмайд қолдим. Энди пол юваётгандим.

— Бекор овора бўпсиз-да, ака. Мана, ҳозир ўзим ювиб ташлайман.

— Қўйсанг-чи. Мен ҳам бир тозаласам-тозалабман-да. Қани гапир-чи, қалай ўтди тўйлар? Нега хо-мушроқсан?

— Э,— қўл силтади Эшниёз,— бормайман десам, мажбур қилдиларинг, айтувдим-ку танимайман деб. Адашиб, Бирликдаги сартарошнинг таклифномасини беришган экан.

Уста бир зум карахтланиб қолди. У қулоқларига ишонмасди.

— Нима?! Бирликдаги?!— ўшқирди сўнг Эшниёзга.— Нега бўлмаса молдай ухладинг? Уйламадингми сартарошхонанинг ифлос қолишини? Қачон одам бўласан ўзи?! Ма, ол латтангни!..

Унинг кўзидаги ғазабдан Эшниёзнинг эсхонаси чиқиб кетаёзди...

## МУНДАРИЖА

Айиқ ёғи . . . . .	3
Дошқозон . . . . .	19
Тановар . . . . .	23
Қўшмурод . . . . .	27
Бир ўч хотимаси . . . . .	55
Таклифнома . . . . .	65

**Жўрабоев Анвар.**

**Ж 96** Таклифнома: Ҳикоялар. — Т. «Ёш гвардия», 1987. — 80 б.

Ушбу китоб Анвар Жўрабоевнинг илк ҳикоялар тўплами. Ҳикояларнинг аксарият қаҳрамонлари ҳақиқат ва эзгулик тантанаси учун курашади. Уларда исёнкор бир руҳ мавжуд. Кўпчилик ҳикояларнинг мавзуи қайта қуриш руҳига монанд.

Анвар Жўрабоев одамлар ўртасидаги муносабатларнинг муҳим томонларини, инсон қалби нозикликларини санъаткорона кўз билан кўриб, юракдан ҳис эта олган.

**Джурабаев Анвар. Пригласительный билет. Рассказы.**

На узбекском языке

АНВАР ДЖУРАБАЕВ

## Пригласительный билет

Рассказы

Ташкент, издательство «Ёш гвардия», 1987

Тақризчи **Михли Сафаров.**

Редактор **М. Назирова**

Расомлар **О. Бобононов, А. Фуломов**

Расмлар редактори **Х. Раҳматуллаев**

Техн. редактор **В. Демченко**

Корректор **С. Сайдалимов**

ИБ № 2075

Теришга берилди 5.05.87. Босишга рухсат этилди 13.07.87. Р—17712. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 3 босма қоғозга «Литературная» гарнитурода юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,5. Шартли босма листи 3,50. Шартли кр. отг. 3,85. Нашр листи 3,47. Тиражи 15000. Буюртма 1076. Шартнома 27—87. Баҳоси 20 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. 700113. ш. Тошкент, Чилонзор, 8-квартал, «Правда» газетаси кўчаси, 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. ГСП, Тошкент, Ленин кўчаси, 41.